



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * ۱۹۳۱

1931 йилдан чиқа бошлаган

2002 йил 27 июль, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 58 (7461)

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ**

**Бокс бўйича Осиё
чемпионатида юксак
натижаларни қўлга
киритган
спортчиларимиздан
бир гуруҳини
мукофотлаш ҳақида**

Ватанимизнинг шон-шухрати ва шарафини юксалтиришдаги катта хизматлари, бокс бўйича 2002 йилда Малайзияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида мардлик ва жасурлик намунасини кўрсатиб, юксак галабаларни қўлга киритгани, иқтидорли ёшларни тарбиялаб, миллий спортизмни ривожлантиришга улкан хисса қўшгани учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“ЎЗБЕКISTON ИФТИХОРИ”

Бердиев Икром Нугманович — Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори

Дониёров Тўлашбой Ашуралиевич — Наманган Давлат университетининг талабаси

Михайлов Сергей Егорович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси

Сарсекбаев Бахит Абдурахманович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси

Хидиров Бекзод Султанмуродович — Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг талабаси

Хусанов Шерзод Алимович — Фарғона вилояти “Динамо” спорт жамиятининг йўриқчиси

**“ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ
УСТОЗИ”**

Усмонов Хабибулла Исроилович — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига қарашли Тошкент шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 25 июль.



Мухтарам, ўзини бугунги боғча болаларидан улуғроқ санайдиган ҳар бир катта авлод вакиллари! Сиз ўз даврингизда боғчангизга жону дилдан хоҳлаб берганмисиз? Аксарият ҳолларда йўқ дейсизми? Хурсанд бўлаверинг-ки бугун сизнинг фарзандингиз, уқангиз, жиянингиз боғчасига шошилади. Ҳа, у шошилиб боради! Чунки, унинг боғчасида ривожлантирувчи муҳит бор. Ва у ҳар кун қандайдир янги нарсани ўрганиб уйингизга қайтади. Бундай натижаларга эришиш учун мактабгача таълим муассасаларида бир-бирдан ижодкор, билимдон тарбиячилар хизмат қилмоқда. Шундай тарбиячилардан бири (суратда) Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги 8-мактабгача таълим муассасаси ходимаси “Йил тарбиячиси-2002” кўрик-танлов фестивалининг “Ёқимтой тарбиячи” номинациясига сазовор бўлган Матлуба Омонова бўлади. Бурхон РИЗО олган сурат.

**ГАЗЕТАМИЗНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:**

**КАРВОНЛАР
ЙЎЛИДАГИ
БОҒЧА**
2-бет

**ИМКONIЯТ
ЯРАТИЛЯПТИ,
БИРОҚ...**
ундан жойларда бирдек
самарали
фойдаланилмаяпти
3-бет

**“ANIQ FANLAR”
SAYYORASINING
“GEOMETRIYA”
QIT’ASI**
4-бет

**ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАР**
Уларнинг ҳуқуқий
билимлари қай даражада?
6-бет

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИНГ
АНЪАНАВИЙ АВГУСТ
КЕНГАШЛАРИ ШЎБА
ЙИФИЛИШЛАРИНИ
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
МЕТОДИК
ТАВСИЯЛАР**
8-9-бетлар

Владимир ФИЛИППОВ:
**“БИЗНИНГ
ТАЪЛИМ
“ИБТИДОИЙ”-
ЛИГИЧА
ҚОЛМОҚДА”**
13-бет

**YAPONIYAGA
SAFAR**

Yaponiya hukumatining taklifiga binoan, shu yil 28-31 iyul kunlari O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning Yaponiyaga tashrifi bo'lib o'tadi.

Tashrif davomida Yaponiya Imperatori Akixito bilan uchrashuv ko'zda tutilgan bo'lib, Yaponiya Bosh vaziri D.Koidzumi bilan muzokaralar, shuningdek, vazirlik va idoralah rahbarlari, ishbilarmon doiralari va jamoatchilik vakillari bilan uchrashuv hamda muloqatlar o'tkazish rejalashtirilgan.

FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga binoan, Jamshed Badriddinovich Sayfidinov



O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining raisi etib tayinlandi.

TADBIR

Tokioda O'zbekiston-Yaponiya o'rtasidagi dip-

lomatik munosabatlar o'rnatilganining 10 yilligiga bag'ishlangan O'zbekiston madaniyati kuni o'tkazildi. Unda taniqli jamoat arboblari, Markaziy Osiyo mintaqasi bo'yicha yetakchi tadqiqotchilar, sayyohlik kompaniyalari rahbarlari va oliy o'quv yurtlari hamda ommaviy axborot vositalari vakillari ishtirok etdi.

O'zbekiston madaniyati kunini o'tkazishda "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi vakillari hamda Yaponiyada tahsil olayotgan O'zbekistonlik talabalar ham faol qatnashdilar.

**“ХАЛҚЧИЛ ЛАВҲАЛАР
БЎЛСИН”**

Республикаимиз бўйлаб Мустақиллик байрамининг 11 йиллигига тайёргарлик ишлари авжида. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан мингдан зиёд қатнашчилар шу кунларда пойтахтимизнинг Авиасозлар пансионати, Тошкент Давлат техника университети профилакторийси, Қибрай ёзувчилар оромгоҳи, “Лабзак” меҳмонхонаси, “Саёҳат” меҳмонхонаси, “Ўзбеккино” Қибрай оромгоҳи ва бошқа меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Байрам қатнашчилари учун барча шароитлар яратилган. Халқлар дўстлиги саройида эса мутахассислар иштирокида дастурлар намойиш этилмоқда. Илк намойишларда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларининг чиқишлари ўзининг анъанавий санъат намуналари намойиши билан бошқа вилоятларга намуна этиб кўрсатилди. Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон, Жиззах вилоятлари тайёргарлигида вилоятнинг ўзига хос урф-одати, анъанавий кўринишлари намоён этилмаётгани таъкидланиб, байрамни халқчил лавҳалар билан бойитиш тавсия этилди.

Ўйлаймизки, қайд этилган вилоят мутасаддилари тайёргарлик давомида ўз камчиликларини бар-тараф этишга ҳаракат қилдилар.

Мухтасархон КАРИМОВА

ТЕЛЕДАСТУРЛАР
Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!
14-бет

**ТАИЛАНДДАН
ГАЛАБА БИЛАН**
15-бет

Йўлдош СУЛАЙМОН
**НИГОҲИНГ
ЁНЯПТИ КЎЗУ
КЎКСИМДА**
16-бет

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Фиёс Умаров раҳбарлигида гелиотехника илмий мактаби ривожланди. Куёш нуруни иссиқлик энергиясига айлантириб, уй-жойларни иситиш, иссиқлик таъминоти, сунъий совуқлик ҳосил қилиш, шўр сувларни чучуқлаштириш, иссиқхоналар ва қурилиш тизимларидан фойдаланиш, параболик кўзгулар ёрдамида юқори ҳарорат ҳосил қилиш ҳамда металлларни эритиш ва пайвандлаш технологиясини ишлаб чиқиш, плёнка остига ва пушталарга пахта экиб, унинг тез пишиши ва ҳосилдорлигини ошириш каби тадқиқотлар Фиёс Умаров фаолиятидаги

йўллаган қуйидаги мактубида ҳам аниқ кўриниб турибди. "Компания-мизнинг Ўзбекистон билан кўп йиллик ҳамкорлигидан мамнунмиз, — дейилади мазкур мактубда, — Мамлакатингиз жуда катта табиий ва интеллектуал ресурслар салоҳиятига эга. Кўплаб олимларингиз ва уларнинг илм-фанга қўшган ҳиссалари дунё миқёсида кенг танилган. Ўзбекистон Президенти жаноб И.Каримов юртингизнинг ривожланган мамлакатлар ўртасида мустақкам мавкени эгаллаши учун жуда кўп саъй-ҳаракат ва вақт сарфламоқда. Шунингдек, у республика ёшларининг чуқур билим олишлари борасида катта ғам-

КАРВОНЛАР ЙЎЛИДАГИ БОҒЧА

Қадимда Буюк ипак йўли бўйлаб шарқдан ғарбга йўл олган карвонлар жазирама чўлларда ҳолдан тойиб, бир оз ҳордиқ чиқариш мақсадида Нуротанинг шифобахш маъданли булоқ сувидан ичиб, у ҳақида бутун дунёни хабардор этган бўлсалар, ажаб эмас. Вақт ўтиши билан ушбу булоқнинг ёнига "Чилустун" гумбазли мачитини Нурота шаҳридаги болалар боғчасида тарбия топаётганларнинг бобокалонлари қуришган. Зеро, булоқ чуқур рамзий маънога эга бўлиб, унинг суви "Буюк ипак йўли" бўйлаб узоқ чўл қаъригача оқиб боради.

Нурота шаҳридаги "Чевар" болалар боғчаси мазкур булоқ суви оқаётган кичик дарёча соҳилида жойлашган

бининг фидоий билимдонлари болалар тафаккурини шакллантиришда астойдил меҳнат қилишмоқда. Расм, ашула ва рақс, жисмоний тарбия ва сузиш бўйича тўғарақларда етакчи педагог-мураббийларнинг машғулот ўтиши болажонларнинг билим, кўникама ва туйғуларини шакллантиришга туртки бўлмоқда. Айниқса, шифобахш чашма сувига лиммо-лим мавжланиб турган чўмилиш ҳавзаси тевағида уларнинг мириқиб дам олишлари кишининг ҳавасини келтиради.

Боғчада олиб борилаётган намунали таълим-тарбия ишларининг якуни бўйича туман халқ таълими бўлими "Чевар" жамоасини 400 минг сўмлик "SINO" со-вутгичи билан тақдирлади. Шунингдек,

АКАДЕМИК ФИЁС УМАРОВ НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ

БДУнинг иқтидорли талабаларига АҚШдаги MISSISSIPPI Um GAS компанияси томонидан таъсис этилган ана шундай стипендия берилмоқда

асосий йўналишлар эди.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, академикнинг фаолияти университет билан ҳам узвий алоқада кечди, — дейди Ф.Умаровнинг шогирдларидан бири, БДУ умумий физика кафедраси мудири Туроб Жўраев. — Домла даргоҳимиздаги икки нафар фан доктори ва ўндан зиёд фан номзодининг илмий тадқиқотларига раҳбарлик қилдилар. Уларнинг аксарияти ҳозир ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга гелиотехника соҳасида халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга молик тадқиқотлар олиб боришмоқда. Олим Фиёс Умаровнинг самарали фаолияти, ёрқин хотираси фақат Ватанимизда эмас, балки чет элдаги илмпарвар кишилар томонидан ҳам тан олинмоқда. Бу фикр 2001 йилнинг августида АҚШдаги MISSISSIPPI Um GAS компанияси президенти доктор О.А.Кливленднинг Бухоро давлат университети ректори, академик К.Муқимов номига

ўрлик кўрсатмоқда, кўплаб ёшлар дунёнинг нуфузли университетларига таълим олишгапти. Шу билан бирга, маҳаллий университетларингизда ҳам кўплаб иқтидорли талабалар тахсил кўришгапти. Ядро ва плазма физикаси ҳамда куёш энергиясидан фойдаланиш соҳаларидаги илмий ишлари билан дунёда кенг танилган машҳур физик-академик Фиёс Умаровнинг хизматини инобатга олиб, иқтидорли талабаларингиздан 5 нафарига Фиёс Умаров номидаги стипендия жорий қилиш истагидамиз."

Илмий кенгашда Ф.Умаров стипендиясига номзодлар масаласи ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра университетнинг физика-математика факультетида тахсил олаётган 2-босқич магистранти Жасур Аҳадов, битирувчи курс талабалари Камолиддин Самиев, Саноқул Қурбоновлар шунга муносиб деб топилди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Мактабгача та'лим муассасаларида



бўлиб, унда 125 нафар болажон тарбияланади. Бозоргул Самандарова раҳбарлик қилаётган бу масканда барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, ўз кас-

боғча биносини жорий таъмирдан сифатли чиқаришда ҳам халқ таълими бўлимининг катта ҳиссасини айтиш жоиздир.

Ўткир ПЎЛАТ

МАКТАБЛАР МУСОБАҚАСИ

Пахтаобод туманида мактаб, лицей ва коллежларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан мактаблар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Мактабларда жорий таъмирлаш ишларининг бориши, мактаб ҳудудини ободонлаштириш ишлари кўрик-танловнинг асосий талаблари эди. Ҳайъат аъзоларининг ҳулосасига кўра, 33-мактаб жамоаси кўрик-танловда ғолиб чиқди. 13- ва 12-мактаблар навбатдаги ўринларни эгаллади.

Анджон вилояти, "Туркистон-пресс"

"Экосан" халқаро жамғармасида "Илм-фан барқарор тараққиёт мақсадида" мавзуида халқаро анжуман утказилди.

Жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида "Рио+10" бутунжаҳон саммити утказилади. Саммитда атроф-муҳит, табиат ва барқарор ривожланиш бўйича ЮНЕСКО ҳужжатлари, шу жумладан "XXI аср кун тартиби" амалиё-

йирик илмий марказлардан бири ҳисобланади, — деди анжуманда сузга чиққан "Экосан" халқаро жамғармаси президенти Ю. Шодиметов. — Республикамиз олимлари замонавий фанларнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бизнинг мақсадимиз мавжуд кучларни бирлаштириб фанмизни ҳудуднинг барқарор ривожланишидаги ҳаракатлантирувчи кучга айланти-

ФАН — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

тининг якунлари ҳам қуриб чиқилади. Мазкур саммитга тайёргарлик доирасида утказилаётган ушбу анжуманда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда фаннинг ўрни, илмий тадқиқотлар салоҳиятини ривожлантириш ва мустақкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон бугунги кунда Марказий Осиёдаги ривожланган тадқиқот базаси ва юксак малакали илмий кадрларга эга булган

ришдан иборат.

Мамлакатимиз олимлари ҳудудимиздаги бугунги экологик вазият, табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги ҳолат юзасидан муайян ҳулосаларга келишлари ва Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш хусусидаги ўз таклиф ва йуриқларини ишлаб чиқишлари зарур. Зеро, халқаро ташкилотлар олимларимиздан аниқ бир йўналишга эга булган шундай ҳулосаларни олгач, уларни ечишга салмоқли инвестицияларни жалб этиш имкони туғилади.



Ma'rifat
МАСПАХАТХОНАСИ

Тошкент шаҳар Хамза тумани С.Жабборов, Х.Муқимовадан:
Савол: Нима учун 2002 йилдан бошлаб мактаб директорларининг илмий ишлар бўйича ўринбосарларига йўл чиптаси берилмапти?

Жавоб: Ўзбекистон ҳукуматининг 1990 йил 15 январдаги 31-қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 19 январдаги №ША 1201-13/73 сонли тушунтириш хатида шаҳар транспортда (метро ва таксидан ташқари, шундан маршрут бўйича қатновчи транспортдан) йўл чиптасидан фойдаланиш ҳуқуқи фақат мактаб ўқитувчиларига берилганлиги, бошқа тоифадаги педагоглар ва мактабнинг штатдаги ходимлари бу имтиёздан фойдалана олмаслиги ҳамда Республика бюджетидан ажратилган маблағ фақат мактаб ўқитувчиларига берилиши айтилган.

Бирок, "Таълим тўғрисида"ги қонун Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, таълим муассасаларида пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадларидан педагогларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси таъминланиб боради, таълим муассасаларининг ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади, шу билан бирга маҳаллий ҳокимиятлар ўз имкониятидан келиб чиқиб, бу борада педагогларга ёрдам бериши мумкин.

Фориш тумани 7-ўрта мактаб директори Ш.Ҳосилбековдан:
Савол: Мактаб раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари психолог, кутубхоначи, боғча мудирлари, ҳамширалари имтиёзга эгами ёки йўқми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли Қароридаги имтиёзлардан фойдаланувчи педагог ходимлар тоифасида умумтаълим мактаб директорлари, уларнинг ўринбосарлари, психолог кутубхоначи, боғча мудирлари назарда тутилмаган.

Ю.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Бугун барча соҳада бўлгани каби республикамиз таълим тизимида ҳам туб ислохотлар жараёни кечмоқда. Хўш, бу жараён юртимизда қай даражада амалга оширилмоқдаю, эришилган ютуқлар, юзага келётган муаммолар нималардан иборат. Қолаверса, маъзур вазифини бажаришда ўқитувчининг ўрни қандай? Ушбу саволлар назаримизда ҳозирги кунда барча таълим ходимлари, ота-оналар ва албатта, юрт эртаси учун қайғурадиган ҳар бир фуқарони қизиқтириши, шубҳасиз. Зотан, фарзанд таълим-тарбияси ҳар қачон долзарб масала.

Албатта, маъзур саволларга жавоб излаган киши борки, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларига назар ташлаши, табиий. Зеро, соҳада юз бераётган ўзгаришлар, унинг ривожини йўлидаги тўсиқлар газета ва журналлар саҳифаларида акс этмоқда. Қолаверса, ушбу воситаларнинг халқ маънавиятини юксалтириш, ўзлигини англашдаги ўрни ҳам алоҳидаки, бунини эътироф этмасдан бўлмайди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда

ги томонидан обуна учун умумий 1 млрд. 747 млн. сўм миқдоридagi маблағлар ажратилган бўлиб, аynи кунга қадар маъзур маблағларнинг атиги 789 млн. сўми ёки 45,5 фоизини ўзлаштирилишига эришилган. Албатта, халққа зиё тарқатувчи, унинг маънавиятини кўтарувчи ўқитувчилар билимини ошириш, уларнинг дунёқарашини бойитиш ва ўз ўрнида дунё воқеаларидан бохабар бўлиш ва унга нисбатан ўз мустақил муносабатини билдиришга имкон яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан шу қадар катта эътибор берилсаю, бу муносабатга жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг, қолаверса, ўқитувчиларнинг ўзларидagi лоқайдликлари кечиб бўлмас ҳол. Тўғри, масъулиятни чин дилдан ҳис қилиб, халқ маънавиятини кўтаришга хизмат қилувчи, керак бўлса, ўқитувчига услубий кўмак берувчи газета ва журналлар обунасига биринчи даражали масала сифатида қараб, давлат томонидан ажратилган маблағлардан ўз ўрнида ва мақсадли фойдаланган вилоятлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Наманган вилоятида 492 та мактаб қишлоқ жойларида жойлашганлиги боис, у ерда ўқувчиларга таълим-тарбия бераёт-

Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида йўл қўйилган хатоликлар олдидан Бухоро вилоятида юзага келган чигалликларни у қадар салбий ҳолат, деб баҳолаб бўлмайди. Республика Молия вазирлиги томонидан қишлоқлардаги умумтаълим мактаблари кутубхона фонди учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 10 номдаги газета ва журналлар обуналари учун Қорақалпоғистон Республикасидаги умумий ўрта таълим муассасаларига 144,3 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 66,2 млн. сўми ўзлаштирилган. Аммо маъзур ўзлаштирилган маблағнинг 35,1 миллион сўми ёки 53 фоизини вазирилик тавсия этган 10 та номдаги газета ва журналларга сарфланган ва режа 43,3 фоизгина бажарилган. Қолган маблағлар эса кўшимча 11 номдаги газета-журналларга (шундан 9 таси маҳаллий нашрлар) ишлатилган. Натижада вилоятдаги биронта мактаб ҳам матбуот нашрлари билан тўлиқ таъминланмаган. Жумладан, "Узлуксиз таълим" журнаliga ҳар учта мактаб биттадан ёзилган бўлса, "Физика, математика ва информатика" журнали ҳар тўртта мактабга, "Тил ва адабиёт таълими" журнали эса бешта мактабга биттадан

Qaror va ijro

даги газета ва журналларга обуна бўлиш учун 98 миллион 235 минг сўмлик маблағлар йилнинг кейинги 9 ойи обунаси учун ўзлаштирилиши сўралган эди. Аммо ВХТБдагиларнинг "техамкорликдаги устаси фаранглиги" боис, 60 фоиз маблағгина ўзлаштирилган. Бундай чигалликлар қуйидаги рақамларда ҳам кўринади. Маълумки, Халқ таълими вазириликнинг тавсиясига биноан "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарига 2 нусхадан, қолган 8 номдаги оммавий нашрларга бир нусхадан обуна қилиш кўрсатилган эди. Аммо вилоятда 949 та қишлоқ мактаблари мавжуд бўлиб, жойлардаги ходимларнинг топшириқни ўз вақтида "илгай олмасликлари" сабаб, "Маърифат" газетасига атиги 669 дона ва "Учитель Узбекистана" газетасига бор-йўғи 154 дона обуна бўлинган, холос. Ва бу билан гўёки топшириқ 70 фоизга ундаланганлиги қайд этилган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ушбу икки номдаги нашрнинг ҳар бири учун 1898 дона обуна қилиниши лозим эди. Қолаверса, маъзур кўрсаткич 1329

МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясида халқаро аэрокосмик мактабнинг навбатдаги машғулотлари бошланишига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

— Республикаимизнинг турли вилоятларидан ва Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистондан келган эллик нафардан ортиқ иқтидорли ўқувчилар маъзур мактаб машғулотларида иштирок этишади, — деди "Коинот" илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси бош конструктори, академик Шавкат Воҳидов "Туркистон-пресс" муҳбирига.

Ш. Воҳидовнинг таъкидлашича, фазогирлар, физика, космонавтика, авиация ҳамда фаннинг бошқа соҳалари бўйича йирик олимлар ва мутахассислар ўн кун давомида ўқувчилар билан кизиқарли машғулотлар олиб боришади. Ўқувчилар шунингдек, машғулотлар давомида мустақил мавзуларда иш олиб боришади. Жумладан, улар орбитал станциялар, сайёраларо космик ракета-лар, сайёрада юрвчи аппарат, физик асбоб, энгил моторли самолёт ва бошқа лойиҳалар устида ҳам иш олиб боришлари мумкин.

Мактаб ишида космонавт-ўқувчилар Владимир Жонбеков, Солижон Шарипов ҳамда аэрокосмик корхоналар ва Ўзбекистон ФА илмий-текшириш институтлари раҳбар ходимлари қатнашади.

"Туркистон-пресс"

ИЖРО ИНТИЗОМИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига амалий иш билан жавоб бериш — аynи чоғда долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу қарор қандай амалга оширилмоқда? Жиззах вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошқарув кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масалага асосий эътибор қаратилди.

Йиғилишда ушбу қарорнинг Зарбдор қишлоқ хўжалик ҳамда Зомин маънавий хизмат ва қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида қандай амалга ошириляётганлиги таҳлил этилди. Ўқув масканларида юқоридаги муҳим ҳужжатни амалга ошириш жараёнида муайян ютуқлар кўзга ташланса-да, ҳали бу борада кўп иш қилиниши кераклиги таъкидланди. Мажлисида кўтарилган муаммолар юзасидан коллежнинг мутасадди раҳбарларига аниқ кўрсатмалар, вазифалар берилди.

А.СОДИҚОВ

ИМКОНИЯТ ЯРАТИЛЯПТИ, БИРОҚ...



УНАДАН ЖОЙЛАРАДА БИРАЕК САМАРАЛАРНИ ФОЙДАЛАНДИЛАМЯПТИ

қўллаб-қувватлашнинг 2002—2003 ўқув йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорининг 5-бандида республиканинг қишлоқ жойларида жойлашган умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ахборот билан таъминланганлигини яхшилаш мақсадида 10 тагача республика газета ва журналларига маҳаллий бюджет ҳисобидан обуна қилинишлари белгиланган эди. Халқ таълими вазирилик томонидан эса умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг фаолиятини тақомиллаштиришга хизмат қилувчи, уларга илмий-методик йўлланма берувчи қуйидаги газета ва журналлар — "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарига 2 нусхадан, "Халқ сўзи" газетасига, "Халқ таълими", "Бошланғич таълим", "Таълим таракқиёти", "Узлуксиз таълим", "Физика, математика ва информатика", "Мактаб ва ҳаёт", "Тил ва адабиёт таълими" журналларига бир нусхадан обуна бўлиш тавсия этилган. Ушбу тадбирнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида молия бошқармаларига обуна бўйича тақдим қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида керакли маблағларни бюджетдан 2002 йилнинг 22 мартигача ажратилиши юқлатилиб, уларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича мажбурий халқ таълими бошқармалари зиммасига юқлатилган эди. Ҳақли савол туғилади. Утган муддат мобайнида жойларда маъзур долзарб вазифалар қандай ҳал этилдию, ютуқлар ва муаммолар нималардан иборат бўлди?

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, республика Молия вазири-

ган ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг тизимдаги янгиликлар билан таъминланишини яхшилаш мақсадида маҳаллий бюджет томонидан ажратилган умумий қиймати 125 млн. 205 минг сўмлик маблағнинг 52 млн. 191 минги 10 номдаги оммавий нашрларга ажратилган ҳолда аynи шунча маблағ ўзлаштирилган бўлиб, ўқитувчиларни тўлиқ обуна қилишга эришилган. Бундай ижобий кўрсаткичлар Жиззах, Фарғона, Хоразм ҳамда Тошкент вилоятларида ҳам қайд этилган. Республиканинг Бухоро вилоятига эса аynи юқоридаги мақсадлар учун умумий 97 млн. 168 минг сўмлик маблағ ажратилган ва ушбу маблағнинг 43 млн. 670 минги 10 номдаги газета ва журналлар обунаси учун кўрсатилган ҳолда, вилоятда 64 млн. 839 минг сўмлик миқдордаги маблағлар эвазига ХТВ томонидан тавсия этилган нашрлар қаторида бошқа яна 4 номдаги республика ва 3 номдаги вилоят ва туман нашрларига обуна қилиб юборилган ҳоллар ҳам мавжуд.

Биз бу билан вилоятлардаги қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг вилоят ва туманда нашр этиляётган газета ва журналларга обуна бўлишмасин, деган хато фикрдан йироқмиз. Шу нарса аёнки, маҳаллий нашрларнинг ҳам жойлардаги таълим-тарбия ишларини ривожлантиришдаги ўрни сезиларли. Бироқ маблағларнинг ўз ўрнида, мақсадли фойдаланилиши муҳим ва зарурлигини эслатиб ўтмоқ жоиз. Очигини айтганидан бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 33-сонли қарорининг жойлардаги бажарилиши чуқурроқ таҳлил қилинганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий,

ҳам тўғри келмайди. Сирдарё вилоятида эса мактабларга обуна учун жами 56,3 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, юқоридаги махсус нашрлар учун 26,9 миллион сўм маблағ кўрсатилган ҳолда, унинг атиги 16,3 миллион сўми ўзлаштирилган бўлиб, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 98,2 миллион сўм бўлган ҳолда 59,5 миллион сўмлик маблағларга обуна қилинган. Навоий вилоятида эса бу борада республика бўйича энг паст кўрсаткич қайд этилган. Эътибор беринг, маъзур вилоятга юқоридаги мақсадлар учун умумий 72,3 миллион сўмлик маблағлар ажратилган бўлиб, шунинг 32,7 миллион сўми 10 номдаги нашрлар обунаси учун йўналтирилган. Бироқ, ушбу рақамлардаги маблағларнинг ҳеч бўлмаса чорак фоизини ҳам ўзлаштирилмаганлигини яна қандай баҳолаш мумкин?

Рақамларда кўрсатилган кўрсаткичлар пастлигини Қашқадарё вилояти мисолида изоҳлайдиган бўлсак, вилоят халқ таълими бошқармасининг режа ва иқтисод бўлими бошғини Шавкат Қўнғиротовнинг таъкидлашича, Молия вазирилик томонидан 2002 йилда жами 213 миллион 170 минг сўмлик маблағ аynи вилоятдаги қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг обунаси учун йўналтирилган бўлиб, шунинг 59 миллион 470 минг сўми йилнинг биринчи ва иккинчи чорағида ўзлаштирилган. Қолган қисми эса кейинги тўртинчи чорағда, яъни 2003 йил обунаси учун фойдаланилар экан.

Дарҳақиқат, ажратилган маблағларнинг йилнинг биринчи чорағи учун обуна муддати тугаган вақтга тўғри келганлиги рост. Бироқ маъзур қарорда кўрсатилганидек, 10 ном-

тага етган тақдирдагина, ушбу юмуш 70 фоизга бажарилишини жойлардаги мутасадди раҳбарлар билиб қўйсалар, ёмон бўлмасди.

Қолган нашрлар обунаси хусусида эса, гапириб ўтиришнинг ҳожаги йўқ. Зеро, бу рақамлардан вилоятда инсон маънавиятини кўтарувчи, ўқитувчининг иш самарадорлигини оширишга дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи нашрларга ўзини зиёли ҳисоблаган кишиларнинг нақадар бепарволигию, боқибегамлигини кўриб, таажжубга тушади, киши.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситалари фақат ахборот етказувчи восита бўлиб қолмай, у кишини бирор масала устида мушоҳада юритишга ундовчи, керак бўлса, муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашувчи маслаҳатгўй ҳамдир. Бу фикрга исбот қидиришнинг ҳожаги йўқ. Зеро, эътибор берган бўлсангиз, қаердаки таълим тизимидаги ислохотлар жадал суръатда кечаётган, натижада эса ўқитувчию ўқувчиларнинг эришяётган ютуқлари тобора бўй кўрсатаётган ҳолда, мавжуд муаммолар ҳам секин-аста барҳам топаётган бўлса, ўша жойда газета ва журналлар обунаси ҳам кўнгилдагидек. Бироқ, урчинган муаммолар ечимини кутаётган баъзи вилоятларда нашрларга ёзилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганки, бунинг натижасида ҳеч қандай кўмагисиз қолган ўқитувчи ўзига "йўл" тополмай овера.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
ХТВ матбуот сектори раҳбари,
Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

«ANIQ FANLAR» SAYYORASINING «GEOMETRIYA» QIT'ASI

Кўпинча ўқитувчилар геометрия дарслари зерикарли эканини айтиб, мавзуларни ўзлаштириш қийинлигидан нолийдилар. Ўқитувчи ижодкор бўлса, аниқ фанларни ҳам қизиқиш билан ўрганиш мумкин. Ушбу дарс ишланмаси нонъанавий услуга бой бўлиб, ундан фойдаланиб кўришингиз, сўнг фикр билдиришингизни сўраймиз. 7-синфда ўтиладиган бу дарс ишланмаси «Мос томонлари параллел ёки перпендикуляр бурчаклар» ва «Учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси» мавзуларини такрорлашга бағишланган. Дарс савол жавоб билан бошланади.

О'қитувчи: Мос томонлари параллел бурчакларга синфхондан қандай мисоллар келтира olasiz?

1-о'қувчи: Ketma-ket turgan parta yoki o'rindiqlarning mos burchaklari;

2-о'қувчи: Deraza romining mos burchaklari;

3-о'қувчи: Eshik kesakisining mos burchaklari va boshqalar...

О'қитувчи: Mos tomonlari perpendikulyar burchaklarga qanday misollar keltirish mumkin?

1-о'қувчи: Kitoblar javonining qarama-qarshi burchaklari;

2-о'қувчи: Parta yoki o'rindiqlarning qarama-qarshi burchaklari;

3-о'қувчи: Eshik yoki romlarning qarama-qarshi burchaklari va boshqalar...

О'қитувчи: Endi tasavvur qiling, biz «Aniq fanlar» sayyorasining «Geometriya» qit'asidamiz. Sinfimiz — tog'dagi g'orda joylashgan. Hozirda o'tgan darsni takrorlashda faol ishtirok etgan sakkiz nafar o'quvchimizning uchtasi — g'or qo'riqchilari, to'rttasi esa — sayyohatchi. Yana biri g'or suvoriysi. Manavi konvertlarda sizning kim sifatida ishtirok etishingiz yozilgan. Qolgan o'quvchilar — maslahat kengashi a'zolari. (Sakkiz nafar o'quvchi konvertlarni tanlaydilar. Qo'riqchilarning konvertlarida ular tomonidan beriladigan savollar va kerakli qo'llanmalar joylangan.)

О'қитувчи: Janob sayyohatchilar, vaziyat jiddiy. Sayyoramizning ushbu g'ori faqat to'g'ri javob berilgandagina ochiladi. Shuning uchun bor bilimingiz va topqirilingizni ishga solibgina ozodlikka erishishingiz mumkin.

Sayyohatchilarning har qaysisi maslahat kengashidan bittadan maslahat olishlari mumkin. Noto'g'ri maslahat bergan kengash a'zosi sayyohatchi bilan o'rin almashadi.

Sayyohatchilar har biri bir savolga javob topganlaridan so'nggina g'orning eshigi ochilib, ular ozodlikka erishadilar.

(G'orning eshigi o'rniga stullar juftlab joylashtiriladi. Ularning yoniga qo'riqchilar qo'yiladi.)

Suvoriy: Xo'p, birinchi qo'riqchi yerlik sayyohning qay savolga javoblari evaziga eshikni ochishga rozisiz?


1-qo'riqchi: (Agar ikki burchak tomonlaridagi nurlar parallel (perpendikulyar) to'g'ri chiziq'larga tegishli bo'lsa, bunday burchaklar mos tomonlari parallel (perpendikulyar) burchaklar deb ataladi teoremasi) ni takrorlash uchun she'riy savol beradi:

Ikki burchak tomonlar nuri
Parallel chiziq'larga aylasa hosil,
Nomlanishni sen o'yab turib
Aniq, she'riy bizga bayon qil.

Sayyohatchilardan biri sinf taxtasiga chizgilar chizib, to'g'ri javobni ham she'riy talqinda aytadi:


1-sayyoh:

Ikki burchak tomonlar nuri
Parallel chiziq'dan yaralsa beshak,
Ikkilanmay, deymizki ular —
«Mos yoqlari parallel burchak»



1-qo'riqchi:

To'g'ri! Aytin agar shu nurlar
Parallelmas, bo'lsa ko'ndalang
Bunday holda qanday atalar?
Sen ozodsan javobni bilsang.



1-sayyoh:

Burchak tomonlarini nuri bo'lolsa
O'zga burchak yoqlariga ko'ndalang

Sinab ko'ring

Ular-chi — «O'zaro mos tomonlari perpendikulyar burchak» dir, bilsang!



(Birinchi sayyoh maslahat kengashining roziligidan so'ng g'ordan chiqariladi.)

Suvoriy: Xo'sh, ikkinchi qo'riqchi yerlik sayyohning qay savolga javoblari evaziga eshikni ochishga rozisiz?

(Ikkinchi qo'riqchi — Mos tomonlari parallel burchaklarning ikkalasi ham o'tkir (o'tmas) bo'lsa, ular o'zaro teng. Agar ulardan biri o'tkir, ikkinchisi o'tmas bo'lmas, ularning yig'indisi 180° ga teng teoremasini takrorlash uchun she'riy savollar beradi.)

Gar yoqlari parallel burchak

Bu — nimadan beradi darak,
Ikkisi ham o'tkir yo o'tmas
Qay fikrga bor bizda asos?



(Sayyohlardan biri yana sinf taxtasiga chizgilar chizib, to'g'ri javobni ham she'riy talqinda aytadilar)

2-sayyoh:

Mos yoqlari parallel burchak
Bo'lsa birday o'tkir yo o'tmas.

Bu — tenglikning belgisi demak
Ular tengdir, qoidaga xos.

2-qo'riqchi:

Gar ularning birisi o'tmas,
Ikkinchisi bo'lsa-chi o'tkir,

2-sayyoh: Ikki burchak gradusi tengmas,
Lek jamlasa bir yuz saksondir.

(Ikkinchi sayyoh ham maslahat kengashining roziligini olgandan so'ng ozod qilinadi.)

Suvoriy: Xo'sh, uchinchi qo'riqchi, yerlik sayyohning qay savolga javobi evaziga eshikni ochishga rozisiz?

3-qo'riqchi:

Qay shaklning bitta burchagi, to'qson, qolgan ikkisi o'tkir?

3-sayyoh:

Uchburchakdir — uning o'zagi

«To'g'ri burchakli»-deb atalur.

3-qo'riqchi:

Og'alarin bormi daragi?

Bo'lsa qani, sana birma-bir!

3-sayyoh:

«Teng burchakli», «Tomonlari teng»

«O'tmas burchakli» uchburchak bo'lur.

3-qo'riqchi:

Bari to'g'ri, menda sira ham

Javobingga yo'qdir e'tiroz,

Lekin aytchi qay bir qoida

Uchburchakning barchasiga xos?

3-sayyoh:

Uch burchagining graduslarin

Bir-biriga gar qilinsa jam,

Bir yuz sakson bo'lishi aniq!

Bo'lmas ortiq, yo bittaga kam.


(Uchinchi sayyoh ham ozod qilinadi.)

Suvoriy: Ko'rdingmi sayyoh, barcha do'stlaring o'z bilimlari tufayli ozodlikka erishdilar. Bizning sayyorada bilimsizlar qul sanaladi.

4-sayyoh: Bizda ham deyarli shunday. Faqat tom ma'noda qul emas, vaziyatning quliga aylanib qolganlarini o'zlari ham bilmay qoladilar. Bilim esa, insonni hamisha komillikka, ezgulikka eltadi.

Suvoriy: Gap so'zingdan ma'nili bolaga o'xshaysan. Qani manavi hodisaning mohiyatini tushuntirib berchi:

(Suvoriy yarim aylana shakldagi qog'ozni olib, uni markaziy nuqtasidan uchga bo'ladi. Uchala burchagini mos ravishda birlashtirib uchburchak hosil qiladi.) Aytinch, nimaga aylanan markaziy nuqtasidan istagan gradusda uch bo'lakka bo'lsa, hosil bo'lgan segment burchaklardan albatta uchburchak hosil qilish mumkin?



4-sayyoh: Bu hodisani quyidagicha izohlash mumkin:

AB to'g'ri chiziq AS to'g'ri chiziqqa nisbatan 180° burchak ostida joylashgan. Biz yarim aylanan uchga bo'lganimizda 180° uchga bo'linadi.

«Uchburchakning ichki burchaklari yig'indisi 180° ga teng» bo'lgani sababli biz yarim aylanan markaziy nuqtasidan istagan uch bo'lakka bo'lganimizda ham bu burchaklar bir uchburchakni tashkil eta oladi.

Suvoriy: To'g'ri, sayyoh sen ham ozodsan!

О'қитувчи: Hurmatli sayyoh o'quvchilar, men sizlarni bilimdonligingiz tufayli katta qiyinchilikni zabt etganingiz bilan tabriklayman. Bu, albatta, bir o'yin edi, lekin bilim hayotda chindan ham og'irimizni yengil, uzog'imizni yaqin qilib, qiyin vaziyatlarda bizga hamroh bo'ladi.

Buni aslo unutmashimiz, va hamrohimiz bo'lgan bilimimizni ko'paytirishimiz lozim!

Gulchehra HASANOVA,
Toshkent shahridagi 186-maktabning
algebra-geometriya fani o'qituvchisi

Ta'lim va tadbirkorlik

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқичи: 2001—2005 йиллар. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади."

Таълим муассасалари раҳбарларига тадбиркорлик масалаларидан оғиз очадиган бўлсангиз, кўп ҳолларда: "Бизда буни амалга ошириш қийин, ота-оналар ҳадеб пул беришавермайди", деган фикрни эшитасиз.

Бунга жавобан: "Тўғри қилишадими" деб, айтиш керак, холос.

Халқ таълими вазирлигининг 2000 йил 25 январь куни қабул қилинган 01-40-сонли хати билан жойларга "Таълим муассасаларида сармоядан ташқари маблағлар топишни ташкил қилиш бўйича тавсиянома" юборилган. Унда боғча, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари

... Куни кеча пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги "Баркамол авлод" боғча-мактаб мажмуасида "British holidays" номли ёзги оромгоҳ мавсумининг ёпилиши бўлиб ўтди. Оромгоҳ бўлса бўлар, нимаси янгилик экан, деб савол беришингиз, табиий. Янгилик эса — ундаги барча тадбирлар инглиз тилида олиб борилганлигидир. Зеро, унинг тарихи бор: мажмуа раҳбари М.Комилова ўтган йили ёзда бир гуруҳ болалар билан Буюк Британияда бўлиб, Истборн шаҳридаги ёзги мактаб ўқув машғулотларида қатнашиб келган. Маъмура олани Британия мактабларининг ёзги

таълим қаторидан ўрин олган. Зеро, М.Комилованинг ўз шароитида қўллаб кўрган хорижий тажрибаси самарасиз ўтмади — натижада икки синф хонаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Эндиликда, оромгоҳ фаолиятини анъанавий тарзда ташкил қилишга қилишилди.

Сурхондарёнинг Шўрчи туманидаги 2-сон болалар боғчасида Г.Абдурахмонова раҳбарлигида ўйинчоқлар устахонаси ташкил этилиб, нафақат туман, балки бутун вилоят мактабгача таълим муассасаларининг ўйинчоқларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

Наманган вилояти Норин туманидаги 10-боғча-мактаб мажмуаси директори С.Азимова ижарага олинган ер, иссиқхона ва терак қаламчаларидан йилига миллион сўмдан ортиқ тушум туширади. Ун йил аввал кичкинагина бўлган боғча жамоаси бугун-

АҚЛДИ ПУЛ ТОПАДИ...

ри, педагогик институт ва билим юртлири, ҳатто малака ошириш институтлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган пуллик хизматлар ва ишлаб чиқарилажак маҳсулотлар рўйхати берилган.

Хўш, қонун билан белгиланган, услубий жиҳатдан таъминланган жараён нима учун айрим жойларда юқори даражада самара беради, аксарият ҳолларда бу борада юқорида келтирилган эътирозлардан бўлак ҳеч бир гап чиқмайди.

Миллий дастурнинг иккинчи босқичи вазибаларидан бири — таълим хизматларини шакллантириш, унинг механизмининг йўлга солиш бўлса, бунинг заминидан **тинимсиз меҳнат, ижод ва ташаббус** ётганлигини математик аксиомадек онгимизга сингдириб олишимиз керак.

Таълимдаги пуллик хизматлар болалар ва уларнинг ота-оналарига: "Келинг, бизда шундай пуллик тўғараклар ишлаб турибди" деган алфозда ривожланмайди ва у ҳеч қандай унум ҳам бермайди.

Албатта, биринчи галда ушбу тўғаракнинг дастури, ўқув режалари ва машғулотларнинг услубий ишланмалари бўлиши керак. Тўғарак ишини бошлашдан аввал, очиқ "панорама" машғулотини намойиш этиш лозим. Ахир, гап "таълим маҳсулоти" ҳақида бораётганлигини унутмаслигимиз керак. "Маҳсулотингизни кўрсатинг, истеъмолчини қизиқтиринг, кейин эса шарт-шароитларингизни айтинг".

Келинг, фикрларимиз тасдиғини мисолларда кўриб чиқайлик.

таътил даврида ҳам нафақат ишлаб турганлиги, балки ўз жамғармасига мўмайгина пул тушираётганлиги ҳайрон қолдирди. Бинобарин, мактаб жамоаси хорижий мамлакат болалари учун ёзги инглиз тили мактабларини ташкил этиб, ундан тушган маблағ эвазига янги компьютер, китоблар ва зарурий жиҳозларни сотиб олар экан. Нима учун бизнинг мактабларимиз ёз ойларида хувуллаб туради? Нега биз ҳам ўқув майдонларидан, бино ва анжумлардан самарали фойдаланмаймиз, деган саволлар билан ташаббускор раҳбар ўз педагогик жамоасига мурожаат қилди. Ва бамаслаҳат, ёз даврида айнан шундай мактабни ташкил қилишга қилишилди. Махсус дастур тайёрланди, кунма-кун тадбирлар ишлаб чиқилди. Инглиз тилини пухта билладиган, болалар билан ишлашга мойил талабаларни сўраб, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетига мурожаат қилинди ҳамда Ш.Маҳмудов, Н.Ҳақимова ва У.Мамедовларни бу ишга таклиф этиб, хато қилинмади. Шижоатли ёшлар олийгоҳда ўзлаштирган билимларини укаларига астойдил ўргатдилар, ўзларидаги таълим олишга бўлган ҳавасни уларга ҳам сингдирдилар.

Болалар дам олиш, сув ҳавзасида чўмилиш, чиникиш билан бирга, ўқув йили мобайнида инглиз тилидан ўрганганларини машқ қилдилар, турли вазиятларда ишлатиш имкониятига эга бўлдилар. Хорижий тилда эркин сўзлашув малакаларини мустақамладилар.

Албатта, бу оромгоҳ — пуллик

ги кунда ўз меҳнати билан топган пулларга ёпиқ сув ҳавзаси, спорт зал ва кутубхона курди.

Мана, ўз-ўзидан тадбиркорликнинг яна битта қонунияти юзага келди — у ҳам бўлса, иш натижасидир. Натижа сифатли ва яхши бўлса ҳамда у муайян ҳолда фаолият кўрсатиб турса, унга бўлган талаб тобора ортаверади. Шу билан бирга, истеъмолчи-ўқувчи (ёки уларнинг ота-оналари) ишончи ҳам мустақамланади. Ота-оналар ўз фарзанди учун пулини аямайди. Ахир, болалар улар ҳаётининг мазмун-мақсади эмасми?

Шарқ ҳикматларидан бирини эсланг: "Бир йил тўқ яшайман десанг — шолди эккин. Беш йил олдинги кўзласанг — боғ яратгин. Бир умр фароғат кечирмоқчи бўлсанг — борингни таълимга сарфла".

Маърифатпарвар халқимиз бунга яхши билади. Таълим муассасалари раҳбарлари тадбиркорликка киришар эканлар, уни атрофича ўрганишлари, тайёргарлик кўришлари, кадр танлашлари лозим. Шундагина, механизм ишга тушади.

Яна бир нарса — бамисоли ёш ниҳол ҳамма ерда ҳам бирдек ўсиб кетмаганидек, тадбиркорликдаги тажриба ҳам айнан бир хил кўринишда бошқа муассасада ривожланиб кета олмайди. Бу борада ҳам етти ўлчаб, бир кесмоқ керак. Кўриб турибсиз, шаҳарда таълимнинг пуллик хизматларига талабгорлар бўлса, вилоят шароитида қишлоқ хўжалиги йўналиши билан сармоядан ташқари маблағ жамғариш мумкин.

Светлана АБДУЛЛАЕВА

Malaka oshirish institutlarida

Таълим-тарбия жараёнида миллий кадрларни ёшлар онгига сингдиришнинг илмий-методик йўналишларини такомиллаштириш, бинобарин, бу соҳадаги методик хизмат таъсирчанлигини ошириш бўйича Жиззах вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедра ва бўлимларида муайян ишлар амалга оширилаётир. Бу маълум йўналишларда олиб борилмоқда, яъни методологик миллий кадрларни ўрганиш услубиёти ва таълимнинг ўзбек модели орасидаги боғлиқликни илмий тадқиқ этиш, Уларни

ТАДҚИҚОТЛАРДА — МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР

ўрганиш услубиёти технологиясини такомиллаштириш. Миллий кадрларни таълим тизимига жорий қилиш борасидаги илмий-методик изланишлар самарадорлигини янада ошириш учун институт кафедралари томонидан методик қўлланма тайёрланиб, таълим муассасаларига етказилди.

Институтда "Таълим тизимидаги миллий кадрлар" мавзуси бўйича изланишлар кетяпти. Хусусан, тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Роҳатой Қорабоева, ижтимоий фанлар кафедраси мудири Мавлуда Эргашева, ўқув-услубий бўлим бошлиғи Раҳим ўроловларнинг ўрганаётган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга моликдир.

Бундан ташқари, вилоятнинг Фориш туманидаги 79-ўрта мактаб ўқитувчиси Файзулла Толиповнинг "Мактабда этнографияни ўрганиш" мавзусидаги илмий изланиш институт ходимлари томонидан оммалаштиришга тавсия қилинди.

К.ЎСАРОВ,
М.ҲАСАНОВ,

Жиззах ВПХҚТМОИ ахборот-таҳлил ва оммалаштириш бўлими ходимлари

ҲАМ ТАЖРИБА, ҲАМ ҲОРДИҚ

Таълимдаги ислохотларнинг оғир ва машаққатли кечиши табиийдир. Чунки эскилик ўз ўрнини янгиликка осонликча бўшатиб беради. Айниқса, халқ таълими соҳаси ислохоти, педагог кадрларни қайта тайёрлаш масаласи бугунги кунда давлат сиёсатидаги устувор вазифага айланган.

Наманган вилоятидаги ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг бу борадаги ижобий ишларни эътироф этишга арзийди. Институтда кадрлар малакасини ошириш кейинги йилларда кафедра тизимида олиб борилмоқда. Ҳар бир фан ўқитувчисининг эркин ижод қилиши ва дарсларни давр руҳи асосида ўтказишлари учун барча шароитлар яратиб берилган.

Бундан ташқари, янги дарсликларда энг аввало ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дунёқарашини ҳисобга олиниб, дарсликлардаги мавзулар қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, 5-синф учун 3.Шайхутдинова ва Н.Сухановлар томонидан ёзилган "Assalom Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Н.Суханова, Л.Ульянова ва бошқалар муаллифлигида ёзилган "Assalom Deutsch" ва Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган талновдан муваффақиятли ўтиб, нашрга тайёрланаётган "Deutsch" дарсликлари 7-8-синфлар учун тавсия этилади.

Хозирги кунда 9-синф дарслигини ёзиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бундан ташқари янги дарсликларда энг аввало ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дунёқарашини ҳисобга олиниб, дарсликлардаги мавзулар қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, 5-синф учун 3.Шайхутдинова ва Н.Сухановлар томонидан ёзилган "Assalom Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Н.Суханова, Л.Ульянова ва бошқалар муаллифлигида ёзилган "Assalom Deutsch" ва Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган талновдан муваффақиятли ўтиб, нашрга тайёрланаётган "Deutsch" дарсликлари 7-8-синфлар учун тавсия этилади.

Хозирги кунда 9-синф дарслигини ёзиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бундан ташқари янги дарсликларда энг аввало ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дунёқарашини ҳисобга олиниб, дарсликлардаги мавзулар қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, 5-синф учун 3.Шайхутдинова ва Н.Сухановлар томонидан ёзилган "Assalom Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Н.Суханова, Л.Ульянова ва бошқалар муаллифлигида ёзилган "Assalom Deutsch" ва Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган талновдан муваффақиятли ўтиб, нашрга тайёрланаётган "Deutsch" дарсликлари 7-8-синфлар учун тавсия этилади.

Хозирги кунда 9-синф дарслигини ёзиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бундан ташқари янги дарсликларда энг аввало ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дунёқарашини ҳисобга олиниб, дарсликлардаги мавзулар қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, 5-синф учун 3.Шайхутдинова ва Н.Сухановлар томонидан ёзилган "Assalom Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Н.Суханова, Л.Ульянова ва бошқалар муаллифлигида ёзилган "Assalom Deutsch" ва Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган талновдан муваффақиятли ўтиб, нашрга тайёрланаётган "Deutsch" дарсликлари 7-8-синфлар учун тавсия этилади.

Хозирги кунда 9-синф дарслигини ёзиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бундан ташқари янги дарсликларда энг аввало ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дунёқарашини ҳисобга олиниб, дарсликлардаги мавзулар қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, 5-синф учун 3.Шайхутдинова ва Н.Сухановлар томонидан ёзилган "Assalom Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Н.Суханова, Л.Ульянова ва бошқалар муаллифлигида ёзилган "Assalom Deutsch" ва Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган талновдан муваффақиятли ўтиб, нашрга тайёрланаётган "Deutsch" дарсликлари 7-8-синфлар учун тавсия этилади.

Хозирги кунда 9-синф дарслигини ёзиш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Бундан ташқари янги дарсликларда энг аввало ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва дунёқарашини ҳисобга олиниб, дарсликлардаги мавзулар қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, 5-синф учун 3.Шайхутдинова ва Н.Сухановлар томонидан ёзилган "Assalom Deutsch" дарслиги, 6-синф учун Н.Суханова, Л.Ульянова ва бошқалар муаллифлигида ёзилган "Assalom Deutsch" ва Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган талновдан муваффақиятли ўтиб, нашрга тайёр


СЎЗ ЯНА ҲАЁТ МАНБАИ ҲАҚИДА

Буюк мусаввир, олим ва до-нишманд Леонардо да Винчи сай-брамизда энг кўп тарқалган мод-да — сувни ҳаёт манбаи деб ата-ганди.

Дарҳақиқат, барча жонзотлар асосан сувдан таркиб топган. Биз-нинг вужудимиз қарийб 70 фоиз, акуланики - 80 фоиздан кўпроқ, медузаники эса 99 фоиздан зиёд сувдан иборат.

Инсон меъёрида ҳаёт кечири-ши учун ёзда кунига 4 литрдан ошқроқ, қишда эса 2,5 литрдан кўп сув ичиши керак. Об-ҳаёт аталмиш сув самарали даволаш хусусиятига ҳам эга. Мурманскда яшовчи 68 ёшли бемор сув истеъ-мол қилиш орқали Бехтерев ка-саллиги (умуртқа поғонасининг яллиғланиши)ни енга олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Тўғри, сув муолажалари шифокор назо-рати остида ўтказилган.

Даволовчи хусусиятлар, айниқ-са, эриган қор сувида кўпдир. Алп ўтлоқларидаги ўт-ўланларнинг қуюқлигидан ва қутб доираси ор-тидаги гуллардан асал йиғиш кўрсаткичларининг баландлиги-дан ҳайратга тушишарди. Қизиги шундаки, қутб ортидаги баъзи гуллар баҳорги муз эриш даври-да гуллай бошлайди. Музликлар эриб, ёз келганида эса сўлиб қолади. Чунки қор сувининг ту-гаши уларнинг барвақт хазон бўлишига сабаб бўларкан. Бир томчи сувда юзлаб элементлар, ўнлаб хусусиятлар борлигини олимлар йиллаб тиним билмай ўтказган тадқиқотлари натижаси-да аниқлашган ва сув тириклик-нинг бош омили эканлигини эти-роф этишган.



Ёзнинг саратони шаҳарда одам-ни чарчатиб юборган пайтларда ҳамма узини тоғу тошлар, салқин гушаларга уради. Ёки куёш уфққа бош қуяётган паллаларда ота-она-лар болаларини олиб роҳатбахш заррачалар сочиб турган фавворалар, астироҳат боғларида ташкил қилинган куллар атрофига келиша-ди. Хуллас, ҳамма сувга яқинлаша-ди.

Тошкент вилоятининг Бустон-лик туманидаги Чорвоқ, Хумсон, Хужакент, Чимён сингари қўп-қўп

сув буйига урнатилган сурида бир аёл картошка тозалаб утирарди. У чиқиндиларни бир ерга тўпламас-дан сойга отаётганлигини қуриб чидаб туролмадим ва беихтиёр: “Ҳой опа, пучоқларни анави ерда-ги ахлат челагига ташлаб келинг. Ахир сувни ифлослантиряпсиз-ку!”, деб юбордим. Албатта, бу га-пимдан сунг аёлдан яхши жавоб эшитмаслигимни билардим. Кут-ганимдек бўлди.

— Нима, сиз шу ернинг қорову-лимисиз? Муштдеккина бўлиб мен-

“КЎ ЯВЕРИНГ, ОҚИБ КЕТАДИ”

тоғ қишлоқларида бутун ҳаёт жуда кизиган палла.

Яқинда дугоналарим билан Қо-ранкул қишлоғига бордик. Қишлоқ номининг келиб чиқиши ҳам сув билан боғлиқ эканлигини маҳал-лий кишилардан билиб олдим. Аслида унинг номи Қоракул бўли-ши керак экан. Сабаби, баланд-баланд, дарахларнинг қўп-қўпидан зарра ҳам қуёш нури тушмайдиган тоғу тошлар бағридан сизиб чиқа-диган булоқлардаги сув бориб-бо-риб бир жойга тўпланади экан. Бу тоғларда кимёвий элементлар қўп-қўпидан сабабли сув бошқа куллар-даги каби тиниқ ва зилол эмас, бал-ки қандайдир қорамтир рангда қуринаркан. Шунинг учун туртта кичик-кичик тоғ сойчалари оқиб тушадиган йулларда жойлашган маълум худуд Қоракул деб ном ол-ган, кейинчалик эса талаффузда-ги узгаришлар сабабли Қоранкул дея атала бошланган экан.

Биз жойлашган дам олиш мас-кани республика Ёш саёҳатчилар ва улқашунослар марказининг “Тоғ сайёҳлиги” кўнимгоҳи эди. У ерда болалар билан бирга катта ёшли кишилар ҳам дам олаётган-ди.

Тоғ сайёҳлиги билан шугулла-надиган болалар мураббийларин-нинг ҳамма курсатмаларини аъло даражада бажаришади, яъни гулхан ёққанлар сунг уни кўмиб кетади-лар, оқиб ётган сувларга чиқинди ташлашмайди, лекин, ушбу мас-канга фақатгина саёҳатга ишқибоз болалар эмас, балки катта киши-лар ҳам дам олгани келадилар.

Чор-атрофни томоша қилиб, турли доривор гиёҳлар териб кел-ганимиздан сунг егулик тайёрлаш-га уриндик. Сабзавотларни сойда ювиш учун пастликка тушдик. Шундоққина шарқираб оқаётган

га ақл ургатманг. Пулини тулаб қуйганман, хоҳлаган ишимни қила-ман. Жон куйдириб нима қиласиз, “мусорлар” барибир оқиб кетади-ку. Кейин битта менми сувга чи-қинди ташлаётган, ана анавилар-ни қаранг, тарвуз пучоғини ҳам, буш сув идишини ҳам ташлашап-ти. Нега уларга индамайсиз? Одам-лар ҳам қизиқ-а, бировнинг ишига бурун суқади.

Мен эса юзимга кимдир тарса-ки туширгандек нима дейишни би-лолмай қолдим. Тугри-да, сойга турли чиқиндиларни ташлаётган фақат у киши эмасди ва табиий-ки, мен ҳаммага сувни ифлослан-тирадиган нарсаларни ташламанг-лар, дея олмасдим. Мулзам бўлган-ча, уртоқларим олдига қайтдим. Сувҳатимизни эшитиб турган уртоқларим ҳам мени айблай бош-ладилар.

— Узингни қийнаб нима қила-сан. Ҳеч сувга булган муносабатинг узгармади-да. Йулда ҳам ҳой сувни исроф қилма, тукиб ташлама, бу-лоқ сувига оёғингни ювма деб, ҳам-мамизнинг жаҳлимизни чиқарган-динг. Жон куйдириб нима қиласан, сен бир литр сувни тежасанг, Орол тулиб қоладими? Бу ерга дам олиш-ча, шаҳардаги ишни, уқини уни-тиб, мириқиб хордиқ чиқаришга келгансан. Агар шу ерда турсанг, ҳаммамиз билан сувни деб жанжал-лашасан, яхшиси утин териб кел, сой ёқалаб борсанг, ҳеч ким йўқ жойларда сувлар тиниқ ва зилол бўлиб оқиб ётибди. У ерларга ҳеч ким чиқинди ташламаган. Ҳар қан-дай чиқиндилардан холи, уша ер-ларни томоша қилиб кел.

Мен эса сувни эъзозламайдиган, қадрламайдиган кишиларга га-пириш бефойдалигини билиб, уртоғим айтган сойнинг тепа томо-нига, зилол сувлар шарқираб оқаёт-ган жойга йул олдим.

БИР ПИЁЛА СУВ ҚУДРАТИ

Сув нафақат моддий неъматлар асоси, балки маънавий бир неъмат ҳам. Об-ҳаёт қадимда ҳам шу қадар эъзозли бўлганки, кимдир кўлидан сув ичган киши ўша одамнинг азиз меҳмони санал-ган. Ва сув тўфайли ҳар қандай гина-қудуратлар, араزلар унутилган.

Хусайн воиз Кошифий айтади:

Муъин ибн Зойид номли ҳокимнинг душманла-ридан уч юз кишини асир қилиб, унинг ҳузурига келтирдилар. Муъин ибн Зойид уларни қатл қилиш-ни истади. Асирлар орасида кичик ёшли бир бола ҳам бор эди. У бола ўрнидан туриб:

— Эй ҳоким, мен ташнаман, бир пиёла сув бе-ринг, ташналик ҳолида ўлиб кетмай, - деди. Муъин сув беришни буюрди. Бола пиёлани қўлга олиб айтди:

— Ҳамма асирлар ташнадирлар, бу сувни ўзим ичиб, уларга бермасам мурувватдан эмас, берсам ўзим ташна ҳолда қоламан. Албатта, ҳаммамизни ўлдирасиз, бунга кўзимиз етади. Марҳамат қилиб

буюринг, ҳамма асирларга сув берсинлар, ташна-лик ҳолида ўлмайлик. Ахир ўлим тўшагидаги беморга ҳам сув томизиб турадилар-ку.

Муъиннинг буйруғи билан ҳамма асирларга сув бердилар. Улар сувларини ичиб бўлганларидан кейин бола яна ўрнидан туриб:

— Эй ҳоким, сувингизни ичиш билан ҳаммамиз меҳмонингиз бўлдик, меҳмонни ўлдириш фазлу ка-рам аҳлининг расми эмасдир, - деди.

Муъин ибн Зойид боланинг бу фасоҳатли сўзи-дан завқланиб, ҳамма асирларни озод қилди.

Бир пиёла сувнинг қудратини қарангки, у бир неча юз киши умрини сақлаб қолди, бир-бирига душман бўлган икки жамоа ўртасига аҳиллик солди. Бир фаросатли ва зийрак боланинг сув кўп нарсаларга қодир эканлигини билиб қўллаган тадбири бегуноҳ инсонларнинг қони тўқилишининг олдини олди.

Бежизга халқимиз сувни бу қадар эъзозлаб, қадрламаслиги мана шу кичик ривоятда ҳам ўз ис-ботини топиб турибди.

— Худоба беҳисоб шукр, - дея гап бошлади суҳбатдошим. — Бо-лалигимда сувни жуда кам иш-латардим, уни худа-беҳудага ис-роф қилавермасдим. Мабодо кир ювишга ёки яна нимагадир меъ-ёридан ортиқча сув ишлатиб ёборсам, кўнглимда қандайдир хижиллик пайдо бўларди. Кейин мен тўй-пўй бўлиб қолса, уйимиз-га қариндошларимиз йиғилиб бирор маросим ўтказсак, овқат-дан олдин ва кейин албатта, ҳам-манинг кўлига сув қуйиб турар-дим. Улар эса “бахтли бўл қизим, сувдек сероб бўл, сувдек эъзоз-ли бўл” деб дуо қилишарди. Бу-гун ана шу дуолар ижобат бўлиб, бахтли яшайман. Мен бир нар-сага жуда таажжубланаман. Ни-манидир эъзозлаган киши, албат-та, қадр топар экан. Келин бўлиб бир хонадонга тушганимдан сунг, қайнота ва қайнонам янги уй қуриб, бизни алоҳида қилиб қўйишди. Болалигимда олган “сувдай сероб бўлинг” деган олқуш тўфайлими ёки сувни ис-роф қилмаганлигим учун Худодан менга берилган иноятми, ҳар ту-гул янги кўчиб чиққан уйимизнинг ҳам орқа, ҳам олди томонидан катта-катта ариқ оқиб ўтади. Ҳеч қачон сувга қийналмаймиз. Ҳов-

лимизга водопровод ўрнатганмиз. Экин-тикинларни ариқ сувида су-горамиз. Негадир, бизниқидан чиққан водопровод суви кўшила-римизниқидан чиқмайди, шундан-ми, деярли ҳамма кўшнларимиз бизниқига сувга чиқишади ва ку-лишади ҳам “Марғуба опа, нега

қачон сувни тежаш ҳақида ўйла-маганман. Ҳатто кичкиналимизда ҳам ота-онам менга уни ўргатиш-маган. Бўлмаса, қизлик уйимда бир эмас, иккита ичимлик суви қувури бор эди. Кўчадан югуриб келардим-да, сувни ҳовучлаб-ҳовучлаб ичиб, жўмакни бураш-

зани асрашни фарзандларимиз-га улар кичиклигидаёқ ўргатиши-миз лозим.

Биласизми, кексалар доимо “Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра” дея дуо қиладилар. Сувнинг бори ҳам бир бало, йўғи ҳам. У ҳаддан зиёда кўпайиб кетса, ки-

беписанд муносабатда бўлган-дирлар, балки...

Қизим, мана сиз сув ҳақида мақолалар ёзаман, деяпсиз, ай-тинг-чи, бир кунда неча литр сув ишлатасиз?

Мен елка қисдим.

— Ана билмайсиз, — деди суҳ-батдошим, — чунки ҳали сиз сув танқислигини кўрмагансиз. Шу сабаб уни исроф қилмаслик учун ҳаракат қилмайсиз. Агар уйингиз-да бир кун сув бўлмаса, кейин неча литр сув ичишингизни, қанча сув-га идиш ювишингизни, қанча сув битта қўйлагингизни ювишга сарф бўлишини билиб оласиз. Ҳозир-ча, эса йўқ.

Халқимиз бир каттанинг гапи-ни ол, бир кичикнинг дейишган. Агар ҳеч қачон сувга муҳтож бўлмай, сув танқислигини кўрмай, истаган пайтимда об-ҳаётдан фойдалана олай десангиз, доимо сувни эъзозланг. Бежиз айтиш-майди-ку, эъзозлаган эъзоз топа-ди, деб. Ана шунда сиз сув тақ-чиллигидан азият чекмайсиз.

Азиз муштарий, онахонинг гаплари ҳам сизга маъқул келди-ми?

СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ

сизнинг ҳамма томонингиз сув” деб. Ўзим ҳам баъзида дунёнинг ишларига ҳайрон қоламан. Нега бизниқидан чиққан сув, кўшним-ниқидан чиқмайди, дея.

Бир куни кўшнларимга бола-лигимда сувни қанчалик яхши кўрганимни, унинг бир томчисини ҳам исроф қилмасликка ҳаракат қилганлигимни айтиб бердим. Шунда ёши каттароқ бир кўшним “Марғубахон, қаранг дунёнинг ишларини, Оллоҳ таоло ҳам ўзи яратган неъматларни асраб-авай-лайдиган кишиларга мўл-кўл қилиб берарканда-а? Мен ҳеч

га ҳам ҳафсала қилмай яна чопиб ўйнагани чиқиб кетаверардим. Ёши каттароқ кимдир жўмакни беркитса-беркитарди, бўлмаса сув оқиб ётаверарди. Энди, мабодо уйимизга водопровод ўрнатсак, мен ҳам болаларимга сувни те-жаб-тергаб ишлатишни ўргатаман, қизларим келин бўлиб тушадиган жой ҳам худди сизнинг уйингиз-дай бўлсин, — деди.

— Ҳа, қизим, - дея гапини да-вом эттирдим Марғуба хола, — ин-сон тилидан, қўлидан ҳеч бир нар-сага озор бермаслиги керак. Сув ҳам бир мўъжиза. Ана шу мўъжи-

шилар бошига жуда кўп ташвиш-ларни солади, йўқ бўлса ҳам шу аҳвол. Телевизорда ҳали у ерда, ҳали бу ерда бўлаётган сув тош-қинларини кўриб, ҳайрон бўламан. Баъзи жойларда одамлар бир томчи сувга зор бўлиб, бутун бой-лигини беришга тайёр турган лаҳ-заларда яна кимлардир унинг кўп-қўпидан азият чекиб, уйсиз-жойсиз, ватансиз қолмоқдалар. Балки, улар сувга ҳаддан ташқари



қўлланма 6 қисм: кимё, ботаника, фармакогнозия, фармакология, дори тайёрлаш технологияси ва фармацевтик кимёдан иборат бўлиб, унинг вазифаси талабаларни мутахассисликка оид матнларни ўқиш ва тушунишга ўргатишдир. Қўлланмани варақлаганингизда, ҳар бир мавзу сўнгида келтирилган матнларда соҳага оид сўзлар, атамаларга дуч келамизки, бу талабаларнинг нафақат умумалоқа учун зарурий сўзларни, қолаверса, фармацевтиканинг инглиз тилидаги сир-асрорларидан хабардор бўлишини ҳам таъминлайди. Инглиз тили ўқув қўллан-

Бўлажак фармацевтларга янги имконият

Шиддат билан одимлаб бораётган давримизда ҳар бир киши учун, жумладан, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиш истагида яшаётган ёшлар учун ривожланган хорижий давлатлар тилини билиш бугунги кун талаби эканлиги сир эмас. Шу боис, мактаб давриданоқ бошланган бу жараён коллеж, лицей ва олий ўқув юртиларида янада яққолроқ намоён бўлади. Бу узлуксизлик эса хорижий тилларни мукамал ўрганиш учун замин ҳозирлайди.

Яқинда Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида фармацевтика институти талабалари учун чоп этилган "Инглиз тили" ўқув қўлланмаси бўлажак соҳа мутахассисларига ҳақиқий маънода қўлайлик тугдиради.

Муаллифлар Л.Бозорова, В.Ковтуненко, Д.Зейдуллаевларнинг машаққатли хизматлари билан яратилган мазкур


маси 40 дарс, қўшимча ўқиш учун матнлар ва инглизча-ўзбекча лугатни ўз ичига олади. Ундаги ҳар бир дарс 4-6 соатга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир дарсга 12-20 тадан фаронетика, грамматика ва лексикага оид машқлар берилган. Энг асосийси, матнлар фармацевтика институтида ўқув материалларини утилиши кетма-кетлигида танлаб олинган.

Шунингдек, ундаги баъзи материалларнинг мамлакатимиздаги ва чет элда нашр этилган дарслик ва қўлланмалардан, фармацевтика оид нашрлардан танлаб олинганлиги қўлланманинг амалий аҳамиятини оширади.

Умид қиламизки, мазкур ўқув қўлланма бўлажак фармацевтлар учун катта имкониятлар яратиб, уларнинг инглиз тилини янада мукамал эгаллашларига хизмат қилади.

Фаррух БЎТАЕВ

ЎҚИТУВЧИНИНГ КИТОБИ



С.Остоновнинг "XXI аср фарзандига" деб номланган мўъжаз китоби А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ томонидан нашр этилди. С.Остонов Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги 14-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, "Шухрат" медали совриндори, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, "Қашқадарё вилоят халқ таълими фидойиси" нишондори. У бу китобидан ташқари яна "Эзгулик гуллари", "Кўнглим бўстони", каби бир қатор китоблар муаллифи ҳамдир. Унинг навбатдаги рисоласи ёшларни катта ҳаётга тайёрлашга, улар дунёқарашини бойитишга хизмат қилади.

Рисола таълим муассасалари раҳбарларига "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари" фани ўқитувчиларига, кенг ёшлар оммаси ҳамда ота-оналарга мўлжалланган.

Шоҳрухбек ОЛИМ



ЎҚИТУВЧИ ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ



Ўқитувчи... Унинг заҳматли меҳнати замирида келажак камол топади. Шундай экан, касб эгасининг маҳорати, билим ва иқтидори кўп нарсани белгиловчи омилдир. Янги нашрдан чиққан "Халқ таълими" журнаlining бу галги сонини ўқисангиз, Ўзбекистон

Республикаси Халқ таълими вазири, профессор Рисбой Жўраев, Гулистон ДУ ўқув ишлари проректори, доцент Ҳазраткул Қаршибоев ҳамда Гулистон ДУ ўқув услубий бошқармаси бошлиғи Фуломжон Саматовларнинг "Ёш ўқитувчиларга маслаҳатлар" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолалари билан танишиш имкониятига эга бўласизки, ундаги маслаҳатлар нафақат ёш ўқитувчиларнинг янги бошланажак иш фаолиятларида, балки, мактабда кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган тажрибали ўқитувчиларга ҳам асқотади.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларидан ўқитувчиға услубий-методик кумак берувчи бир қатор — "Ўқувчиларда танқидий кўникмаларни шакллантириш", "Механик иш мавзусини модулли дастурлар ёрдамида физик масалалар ечиш" каби кўплаб мақолалар ўрин олган бўлиб, ўқитувчиларимизнинг эътиборидан четда қолмаслиги, шубҳасиз.

Dunyodagi barcha beg'uborlik, soflik va soddalik bolajonlarda. Ularning sho'xligiyu erkaliklari hammaga birday yoqadi. Yashil mayzalarda ag'anab o'ynash, toychoqdek durkun chopishdek quvonchli olam ularniki. Shuning uchun hamma bolaligini qo'msaydi. Xayolan o'z bolaligim kechgan dunyoga sayohat qildim. O, o'sha betashvish pallalar... Qaniydi, hozir bir dumalab yana shu damlarga qaytsam...

Iste'dodli bolalar shoiri Qambar Otaning "Toshpolvon va Ishpolvon haqida ertak" kitobiga jamlangan qator she'rlarini o'qisangiz,



qachon, Atamishlar Oshpolvon. Shoiming yutug'i shundaki, "ish",

satrlariga e'tibor bering: Tog'lar toshin ko'targan, Mag'rur boshin ko'targan Vatanparvar mard o'g'lon A talibdi Toshpolvon.

Qaydaki ko'rganda osh, Ko'tarmagan aslo bosh, Lo'ppi, sodda quvnoqni, Ovqatsevar do'mboqni, Hazillashib har

TOSHPOLVON VA ISHPOLVON...

siz ham bolaligingizga qaytingiz kelib qoladi. Shunda beixtiyor barcha shodlik bolalardaligi, totli lahzarlar yoshlikda ekanligini payqab, mehr va havas-la tevarakka alanglaysiz. Undagi barcha ertak-dostonlar, she'rlar sof bolalar tiliga xos uslubda yozilgan. Mana, bir quloq tutib ko'ring-a:

Boy bolayu, boy bola, Qo'yosh bola, oy bola. Poklardan ta'lim olar, Sog'lardan ta'lim olar.


Yarashib ilmu hunar, Iqbolu yashnab kular. Olgani o'qish bo'lar, Dilda ezgu ish bo'lar.

Qarang, ko'kdagi oy ham, yerdagi "boy" ham bolalar, bolajonlar... Ularning kulgisiyu yig'isi borliqqa yarashadi. Ular esa jamlanib go'zallik kashf qiladi. Muallif ana shu fazilatni his qilgan holda bolajonlarni erkalatib qalam tebratadi. Bunday ash'or kattalarning ham bolaligini esga solib qo'yadi. Qambar Ota ertagining mana bu

"osh", "tosh" so'zlarining ma'nosini shu ertak asosida bolalarga soddagina qilib tushuntirib beradi. Toshpolvon har doim tosh ko'tarish bilan ovora bo'lsa, Oshpolvon esa oshxo'rlik bilan mashg'ul. Vaqti kelib ikki do'st o'zlarini sinab ko'rishga shaylanishadi. Shunda Toshpolvonning tosh ko'tarish "san'ati" bilan har qanday ishni yengishga qodirligi, Oshpolvonning esa badnafs fe'li orqali xurmachaga o'xshab qolganligi va ishlash o'miga o'zini zo'rg'a ko'tarib yurishi fosh bo'ladi. Ular katta bo'lganlarida ham qanday turmush kechirishlari hammaga ayon. Bu ertak bolajonlarga har taraflama o'rnak bo'lishi shubhasiz.

Aziz muallimlar, bu kitobni o'z o'quvchilariga o'qishni tavsiya qilsalar chakki bo'lmasdi. Zero, ular Toshpolvondek bo'lishni hohlaydimi yoki Oshpolvondek bo'lishnini, buni o'zlarini bilib olishadi.

G'ofur JABIYEV



воситасида тасвирлаш мавзуси ёритиб берилган. Бунинг учун зарур бўлган санок системалари, уларда амаллар бажариш мисоллар ёрдамида тушунарли баён этилган.

Компьютерлар, аниқроғи электрон ҳисоблаш машиналарининг яратилиш тарихи, уларнинг тузилиши, асосий ва атроф қурилмалари ҳақидаги маълумотлар дарсликнинг учинчи бобида келтирилган. Операцион система, унинг вазибалари, MS DOS

ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИДАН ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИГИ

кўникмаларга ҳам боғлиқдир. Зеро, ўқувчиларга ана шундай имкониятни Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида юқори услубий савияда ёзилган, фақатгина фактологик билимларни эмас, балки кўпроқ методологик билимларни берадиган янги авлод дарслигини яратиб бера олади.

Б.Болтаев, М.Маҳкамов, А.Далиев, Т.Азларов, А.Абдуқодировлар ҳаммуаллифлигида 2001 йилда "Ўқитувчи" нашриёти томонидан нашр қилинган умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" дарслигини ана шундай дарсликлар сирасига киритиш мумкин. Ушбу дарслик Республикамизда биринчи марта лотин имлосига асосланган ўзбек алифбосида ёзилганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Дарслик беш бобдан иборат. Биринчи бобда информатиканинг асосий ашёси бўлган ахборот тушунчаси киритилиб, унинг турлари ҳақида маълумот берилган. Иккинчи бобда ахборотларни рақамлар

операцион система ҳақидаги қисқача маълумотлар, магнитли дисклар билан ишлаш, WINDOWS операцион системаси ва операцион системасининг қобиқ дастурлари ҳақидаги маълумотлар эса тўртинчи бобда жамланган. "Хужжатларни қайта ишлаш технологиялари" деб номланган бешинчи бобда матн муҳаррирлари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Дарсликнинг яна бир эътиборли томони шундаки, мавзулар мазмунига мос келувчи расмлар билан жиҳозланган ва буюк бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Форобийлар ҳақида тарихий маълумотлар, Ўзбекистон Кибернетика фанининг асосчиси, информатика фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган олим академик Васил Қобилов ҳақида қисқача биографик маълумотлар келтирилган. Муаллифларнинг қатор йиллар давомида ўрта умумтаълим мактабларида, олий ўқув юртиларида дарс бериш жараёнида орттирган тажрибалари ушбу дарсликда ўз аксини топган.

Раҳматулла БОҚИЕВ, физика-математика фанлари номзоди

"САБОҚ"НИ ҲАҚИ...

Орамизда шундай муаллимлар борки, улар машаққатли касблари билан бир қаторда ижод билан ҳам шугулланадилар. Қўндалик 5-6 соатлик дарси режа-конспект ёзиш, дарс таҳлиллари, синфдан ташқари тадбирлар ўтказиш, ота-оналар билан ишлаш... саногий йўқ ишлар. Янгийўлдаги 3-мактаб муаллимаси Муҳайё Тўлаганова шу юмушлардан ортиб, "Қалдирғочлар" ва "Энг яхши совға" номли китобларини чоп эттиришга муваффақ бўлган эди. Бу йил Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти муаллимининг "Сабоқ" номли ҳикоялар тўпламини чоп этди.

Китобни бир бошдан варақлаб ўқир экансиз, ўзингизни беғубор болалик дунёсида кўрасиз. Ҳаётини ташвишларни бир зум унутасиз. "Чиройли исм" ҳикоясида Гулноза "Ойижон, мени кам учрайдиган ноёб қуш, (товус) номи билан чақирин", — дейди. Доно Латофат опа қизини ҳайвонот боғига олиб бориб, қушнинг тўла ҳаётини ўқиб бериб ёдида сақлаб қолишига ёрдам беради. Ёки "Сабоқ" ҳикояси адабиёт муаллимининг қўшимча дарсидан кўра "қуён" бўлишни афзал билган шогирдининг йиллар ўтиб армон қилиши ҳақидадир.

"Бардош" ҳикояси бетгачопар, тақинчоққа ўч Нозиманинг ўз устози, илмий бўлим мудирига "Мен билмайманми ўн йилдан бери битта соату бир хил кийимда юришингизни" дея ноўрин гапириб, шапалоқ егани, Муяссар опанинг ўша қуниёқ ариза ёзиб ишдан бўшагани ҳақида бўлиб, сизни мактаб ҳаёти, ўқитувчи ўқувчиларнинг ўй-хаёллари тўғрисида мулоҳаза юритишга, ўйлашга ундайди.

Китобдаги "Табриқнома", "Меҳмон", "Захро хола" ҳикоялари ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Муаллиф Сизга маслаҳат бермайди, аксинча, "Сабоқ"ни ўқиб ўзингиз хулоса чиқариб olasiz. Китобнинг афзаллиги яна шундаки, у янги алифбода чоп этилган бўлиб, бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилари синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ундан фойдаланишлари мумкин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Rektor minbari

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТАШАББУС КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари орасида А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтининг ўзига хос обрў-эътибори бор. 1974 йилдан бери бу даргоҳ педагогика соҳаси бўйича минглаб мутахассис кадрларни ҳаётга йўлади. Ҳозирги вақтда институтдаги таълим йўналишлари 18 та. Янги ўқув йилидан эътиборан, иккинчи мутахассислик бўйича махсус сиртки бўлим ҳам ўз фаолиятини бошлаш арафасида. Саҳифамиздаги мақолаларни ўқиб чиқиб, институт ҳаёти билан қисман танишасиз, деган умиддамиз.

Milliy dastur — amalda

ЭНГ ЗАРУРИЙ ФАКУЛЬТЕТ

Институтимиздаги таълим йўналишларининг бирортасини ҳам иккинчи ўринга қўйиб бўлмайди. Уларнинг барчаси ўз ўрнида керак. Хусусан, касб таълими факультетини оладиган бўлсак, бу йўналишда ҳозирга қадар 2050 нафар кишига қундузги, 1760 кишига эса сиртки шаклда билим берилган. У институтимиз ташкил бўлган дастлабки йилларда туғилди. Агар илк бор 2 та кафедра фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир улар сони 5 тага етди. 45 нафар профессор-ўқитувчининг касбий маҳорати етук кадрлар тайёрлашга қаратилмоқда.

Ўқув-тарбия ишларидан ташқари факультет олимлари уч йўналишда илмий мавзуларни ҳам бошлаб қўйишган. Булар сирасига техника фанларининг долзарб масалалари, педагогика назарияси ва уни ўқитиш услубларини такомиллаштириш, халқ хўжалиги турли тармоқларида ҳисоблаш техникасини қўллаш кабилар кирди.

Факультетимиз педагогик жамоаси Москва, Киев, Санкт-Петербург шаҳарларидаги қатор илмий муассасалар, Новокузнецк политехника институти, Новосибирск университети, Душанбе шаҳридаги, шунингдек, ўз мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари билан ҳам доимий алоқа ўрнатган.

Янги ўқув йилида факультетимизга 125 нафар талаба қабул қилинади. Бу эса 2002 йилги битирувчиларнинг ўрнини қоплайди.

СОДИҚ УСМОНОВ,
институт касб таълими факультети декани,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Мактабда келажак яшайди. Унинг куч-қуввати эса сир эмаски, муаллим деган улуг зотдир. Биз бу касб эгаларига нисбатан доимо ҳурмат-эътибор билан қараймиз, уларни ардоқлаймиз. Негаки, ҳар бир инсоннинг жамиятдан ўз ўрнини топиши кўп ҳолларда ўқитувчи меҳнати билан ўлчанади ва баҳоланади.

Институтимиз бугунги кундаги умумтаълим мактаблари учун турли йўналишларда педагог кадрлар тайёрлаш базасига эга.

Ҳозир ҳоҳ мактаб, ҳоҳ ўрта махсус, ҳоҳ олий таълим муассасаси бўлсин, ислохотлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий дастурнинг биринчи босқичи яқунланиб, иккинчи босқичдаги вазифаларни амалга оширишга киришдик. Институтимизда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда мутахассисликлар сони 18 тага етказилди.

Олий таълимга давлат таълим стандартларининг жорий қилиниши институтимиз педагогик жамоаси олдида янги талабларни қўйди. Барча мутахассисликлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими таълим жараёнида аввалдан давом этиб келатган муаммолар ечимига калит бўлди. Мутахассисликлар бўйича яқуний назоратни амалга ошириш учун ахборот таҳлил маркази ташкил қилинди ва назоратлар унда ўтказилмоқда.

“Янги педагогик технология” деган ибора илмий жамоатчилик орасида тез-тез тилга олинади.

Ўз номидан ҳам кўриниб турибдики, таълимда эски қолипдаги дарслар ёшлар савияси, дунёқарашига мос эмас. Бугунги авлод янгиликка, қизиқарли маълумотларга ўч. Демак, ҳар қандай педагогик жамоанинг савий-ҳаракатлари ёшлар дидиго талабига мос равишда тушиши керак. Бу борада педагогика кафедраси ва мутахассисликлар бўйича услубий кафедралар ўқитувчилари ўз тажрибаларини тақдим этишмоқда. Катта ўқитувчи Б.Очиловнинг “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича ўқув машғулоти янги педагогик технологиянинг намунаси бўлди ва у услубий қўлланма тарзида чоп этилди.

Шунингдек, О.Жамолидинова, М.Шерановаларнинг дарслари ҳам талабаларга манзур бўлмоқда. Аксарият ҳолларда, таълим тизимидаги янги педагогик технологияларни компьютер техникаси билан боғлаш керак. Институтимизда ҳам компьютерлар сони 100 тадан ошди. Аммо бу сон катта даргоҳ учун етарли эмас. Бу технологиялар Интернет ва тест марказига уланган. Маъруза матнларининг электрон шакллари кўпайтириш устида ҳам бош қотирашмоқда. Таълим тизимини доимий ра-



вишда тўлдириб борадиган тарбиявий жараён узлуксиз давом этади. Шу жиҳатдан олганда, талаба бўлиб, илм эгаллаётган бўлгуси кадр ўзида маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириб олгагина, ундан келгусида етук устоз чиқади. Бир қанча жамоат ташкилотлари — касабаяшмаси, “Қамолот”, хотинқизлар кўмитаси, мураббийлар кенгаши, талабалар кенгаши, фидойилар клуби, “Мулоқот” жамоатчилик маркази, “Қадрият” клуби, шунингдек, турли спорт клублари ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топишига ижобий таъсир этмоқда.

55 та фан, бадий ва спорт тўғараклари 1500 дан ортиқ талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларда асқотмоқда. Институт “Маънавият” саройи турли тадбирлар ўтказиладиган жой бўлиб, у безатилиши, жиҳозларининг сифатлилиги билан пойтахт институтларининг айримларидан устун туради. Саройда ўқув йили мобайлида “Шунқор йигитлар”, “Балли, қизлар!”, “Иқбол”, “Ёшлар ҳаёт бўсағасида” сингари кўриктанловлар ўтказилиб, ғолиблар эътиборсиз қолдирилмайди.

Институтимизда бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш алоҳида ва серқирра вазифадир.

Бу, тўлов-шартнома асосида ўқиш, иккинчи мутахассислик бўйича таълим йўналишлари, турли хил таълим хизматларидан ишлаб топилмоқда.

Бюджетдан ташқари маблағ институтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳисобида ҳам топилади. Ушбу мақсадда “Зиёкор” ўқув-тажриба ишлаб чиқариш деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилгани ишларимизнинг анча ўнглинишига ёрдам берди. Ўтган йил натижасига кўра, 5,2 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олинди. Бу маблағ профессор-ўқитувчилар, талабаларни ижтимоий ҳимоялашга, тадбир ва юбилейларни ўтказишга, ўқув жиҳозлари ва воситалари харид қилишга, қолаверса, ободончилик, хайрия ишларига сарфланди.

Яқин йилларда муассасамиз ўзининг қишки спорт базасига, шунингдек, умумий овқатланиш шаҳобчасига эга бўлади. Бу, шу вақтга қадар бизда учраётган муаммо эди. Қурилиш ишлари қизғин бошланиб кетди.

Авалли даврда институтда тайёрланган кадр билан бугунги давр кадрлари орасида ер билан осмонча фарқи кузатиш мумкин. Бугунги куннинг талаби кўпроқ ва оғирроқ. Демак, катта бир жамоанинг биргаликдаги, баҳамжиҳат ҳаракати, ташаббуси ҳам шунга монанд бўлиши керак.

ГОФИР МУҲАМЕДОВ,
институт ректори,
физик-математика
фанлари доктори,
профессор

Kafedra va ta'lim

Факультетлар негизда фаолият юритувчи кафедралар, аслида ҳар қайси олий таълим муассасасининг “юраги” ҳисобланади. Бу “юрак”нинг бир маромда уриб туриши, мажозий маънода айтадиган булсак, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг нечоғли мул-қуллиги ҳамда бугунги талабанинг дидини, эҳтиёжини қондиришига боғлиқдир.

Кафедрамиз тарих ва ҳуқуқ факультетиде таркиб топгани билан у барча таълим йўналишларида ўқитилади. Шу жиҳатдан олсак, кафедрамиз педагогик жамоаси муттасил равишда илмий манбалар яратишга ҳаракат қилиб келади.

“Миллий истиқлол мафқураси”, “Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан”, “Тузал инсон булинг”, “Маънавият илдизлари”, “Маш-

ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА МАНБАЛАР

раби муътабар узим” сингари илмий-бадий рисола ва мақолалардан ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Буларнинг барчаси ўқитувчиларимиз ижод маҳсулидир.

Кафедрамизда “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Политология”, “Диншунослик”, “Ҳуқуқшунослик”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Меҳнат ҳуқуқи” сингари жами ундан зиёд фанлар жорий қилинганки, мақсад, давлатимиз сиёсатини тула-тукис идрок этадиган кадрлар тайёрлашга озми-кўпми ҳисса қўшишдир.

СИРОЖОН ҒОЗИЕВ,
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири

СЎНГИ АДАБИЁТЛАРМИ, МАРҲАМАТ!

Институтимиз кутубхонаси 1999 йилда қурилган алоҳида бинога жойлашган бўлиб, бир неча бўлмалардан иборат: китобхоналарга китоб берувчи хона, адабиётларни сақлаш бўлими, умумий ўқув зали, маъруза матнлари ва илмий бўлим хоналари. Умумий фондимиз 110835 та китобни ташкил қилади. Ўқув-услубий адабиётлар, дарсликлар, рисоалар, маъруза матнларини каталоглар воситасида топиш мумкин.

Кутубхонамиз кейинги икки йил мобайлида мислсиз даражада ижобий томонга ўзгарди. Ректорат энг сўнги илмий, бадий адабиётларни харид қилишга сира ҳам аямасдан маблағ ажратмоқда. Биргина ижтимоий-сиёсий характердаги газета-журналлар йиллик обунасига 2,5 миллион сўм маблағ сарфлангани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Вилоят кутубхоналари ўртасида ўтказилган танлов ғолиби деб топилган даргоҳимиз таянч кутубхона сифатида гавжумдир. Айримлар ҳозир китобхонлик сусайиб кетганини айтиб қолишади. Лекин бу унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки институтимиз талабалари, мураббий ва устозлар бизга кўпдан-кўп адабиёт ва нашрларни сўраб келишади. Биз эса уларга сўралган манбани топиб берамиз.

Кутубхонамизда штатлар тўлиқ комплекташтирилган.

18 ходим хизмат кўрсатяпти. Шулардан бири фан номзоди, икки киши олий, қолганлари тўлиқсиз олий ва ўрта махсус маълумот эгаларидир. Улар белгиланган муддатларда малака оширишга боришади ва ҳар йили аттестациядан ўтказилади. Бу ҳам кутубхона ходимига нисбатан қўйиладиган талаб бўлгани учун улар ўз устлариде ишлашади, ўрганишади.

АББОС ТУРСУНҚУЛОВ,
институт кутубхонаси мудири, доцент



Суратда: институт сиртки факультети декани Қодир Пирматов профессор-ўқитувчилар билан таълимни такомиллаштириш хусусида кенгаш ўтказмоқда.

ПУЛЛИКМИ ЁКИ
БЕПУЛ

— Владимир Михайлович, таълим чиндан яхши бўлиши учун пуллик бўлгани маъқулми ёки бепул?

— Мен таълим бепул бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Бироқ, реалист сифатида, яқин ўн йил ичида бизнинг давлатимиз тўла бепул таълимни таъминлай олмаслигини жуда яхши тушунаман.

Айни пайтда, пуллик таълимнинг таълим бериш сифатига бевосита боғлиқ томонини ҳам кўрмайман. Собик иттифоқ даврида таълим, гарчи бепул бўлса-да, яхши эди. Ҳозир социализм кураётган, ҳокимият тепасида Коммунистик партия турган, бироқ олий таълимнинг барча тури пуллик бўлган мамлакат ҳам бор. Бу Хитой. Боз устига, бу ерда таълим олиш учун мўмайгина пул тўлаш керак: бир йилда 500—600 доллар. Кишлоқлик деҳқон учун бу катта чиқим. Бироқ давлатнинг сиёсати шундай: Хитойда мактабни битирувчилар сони 20 млн., олий ўқув юрларига эса атиги 2 млн. киши қабул қилиниши керак. Бизда Россияда битирувчилар 1 млн. 300 минг, олий ўқув юрларининг бепул ўқитиладиган бўлимларига 600 минг киши қабул қилинади.

— Сизнингча, пул — ортиқча абитуриентларни элақдан ўтказишнинг бир усулими ёки сифат кафолатими? Чунки қорни оч педагог яхши дарс бериши эҳтимолдан холи.

— Пуллик таълим бизнинг мамлакатимизда стихияли тарзда пайдо бўлди ва ҳануз "ибтидоий" лигича қолаётир. Ўн йил мобайнида қандай таълим қанча туришини тартибга соладиган бирорта қонун чиқарилгани йўқ. Олий ўқув юрти бир йил ўқиш учун 1000 доллар белгилайди. Имтиҳонда сизнинг қанча — 1 баллми ёки 5 балл тўплаганингиз ҳеч кимни қизиқтирмайди. 1000 доллар тўласангиз бас. Мактабда қандай ўқигансиз? Оилангиздаги моддий аҳвол қандай? Бу билан кимнинг иши бор? 1000 долларни келтириб қўйинг — армия хизматидан озодсиз. Ҳозир биз номма-ном тузилган давлат молиявий мажбуриятини (ГИФО) жорий этаяпмиз. Агар сиз ягона давлат имтиҳонидан 100 дан 70 балл йиғсангиз, олий ўқув юртига кириб, бепул ўқишингиз мумкин. Агар 60 балл йиққан бўлсангиз, бир йилга, тахми-

нан, 100 доллар тўлайсиз. Янада камроқ балл тўпласангиз — кўпроқ тўлайсиз.

ПОРА

— Айтишларича, таълимнинг пана-пастқамларида бир йилда миллиард долларгача "олди-берди" бўлармиш. Бу ўринда пора назарда тутилади. Сиз бундай гапларга қандай қарайсиз?

— Умуман айтганда, бу фикрда жон бор. Бироқ бу фақат пора билан боғлиқ эмас. Ўтган йили ёз бўйи жами 600 олий ўқув юртида пора билан атиги учта ўқитувчи қўлга олинди. Агар олий ўқув юрти теварагидаги пинҳона пул айланиши ҳақида гапириладиган бўлса, бунда биринчи навбатда репетиторлик, пуллик курслар ва ҳоказолар — давлат томони-

— Биринчидан, бунинг учун қатъий белгиланган миқдорда ўринлар ажратилади. Иккинчидан, бундай ўринлар нафақат институтлардан, балки касб-хунар билим юрлари ва техникумлардан ҳам ажратилади. Агар уларнинг ҳаммаси олий ўқув юртига киришни хошлашса — марҳамат, уриниб кўришсин. Гарчи улар танловдан ташқари қабул қилинишса-да, барибир имтиҳон топширишларига тўғри келади, ҳеч бўлмаганда "уч" баҳо олишлари керак.

— Сиз бу йил МДХ мамлакатларидан қабул қилинадиган абитуриентлар сонини оширамиз, дедингиз. Улар танловдан ташқари, бепул ўқитиладиган ўринларга олинади. Нима учун?

— Чет элларда 20 млн. рус

учун муайян давлат тизими зарурлиги ҳақида гапирилади. Сизнинг битирувчиларингизга қайси соҳаларда талаб борлигини биласизми?

— Эскича тақсимлаш тизимига қайтишнинг иложи йўқ, халқ хўжалиги корхоналарининг 80 фоизи — хусусий. Бошқа томондан, педагогика олий ўқув юрларини битирганларнинг 50 фоизи мактабда ишлаш учун бормаётганига ҳам давлат бамайлихотир қараб туролмайди. Врачларнинг 50 фоизи касалхонада ишлаш учун бормади. Кишлоқ хўжалик олий ўқув юрларини битирганларнинг эса 70 фоизи кишлоққа қайтмайди. Хўш, биз пулни нимага сарфляпмиз? Кейинги йилдан биз "давлатнинг қайтариладиган субсидияси" деб номланган тизимни жорий

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ
ИШ ҲАҚИ
ОШИРИЛМАЙДИ

— Таълим соҳасида ўртача ойлик — 1900 рубл. Сиз бу мояна билан кун кечира олармидингиз?

— Йўқ, албатта. Бироқ менинг хотиним — ўқитувчи. 1900 рубл маош олади. Ўқитувчилар ўз вақтида иш ҳақларини ололмагани учун иш ташлашади. Красноярск ўлкасида май ойи учун маошнинг 50 фоизи тўланган, холос. Красноярск ўлкасининг худуди Франциядан бештача келади. Иркутск вилоятида ўқитувчилар февраль ойидан бери бир рубл ҳам олишгани йўқ. 1900 рубл қарда дейсиз?! Улар шунинг ярмига ҳам жон деб рози бўлишарди, агар вақтида беришса. Ўқитувчиларга иш ҳақини федерал бюджет тўламайди. Пулни туман марказлари — шаҳарлар топиши керак. Ҳозир ҳукумат Россиядаги мактабларни молиялаштиришнинг янги тартиби ҳақидаги ҳужжатларни ишлаб чиқди. Энди туман маркази эмас, вилоят тўлайди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақини оширишга, афсуски, мамлакат иқтисоди ҳозирча йўл бермай турибди.

— Мамлакат иқтисоди вазирнинг маошини бир ярим баравар кўтаришга йўл беради. Олигархларга бир дунё мол-мулк йиғиб, дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхатидан жой олишга ҳам йўл беради. Бироқ мамлакат иқтисоди ўқитувчиларнинг иш ҳақини оширишга келганда...

— 2003 йили фан номзоди ва доктори даражаси учун қўшимча ҳақ тўлашни кескин кўтаришга уриниб кўрамиз. Эҳтимол, уч карра оширамиз. Қолаверса, менинг ўйлашимча, стипендиялар миқдорини икки марта оширамиз. Ижтимоий стипендия (кам таъминланган оилаларнинг болалари учун) тахминан 500 рубл бўлади, агар у яна 400 рубл миқдоридан академик стипендия (баҳолари учун) ҳам олса, ҳаммаси 900 рубл бўлади. Учунчи йўналиш — бошланғич касб-хунар таълими, касб-хунар билим юрлари. Биз ишлаб чиқаришдан ажралмаган таълим тизимидаги устозлар маошини кескин оширишни режалаштираяпмиз.

"Аргументы и факты" газетаси (2002 йил, 28-сон)дан таржима қилинди.

Владимир Филиппов:
"БИЗНИНГ ТАЪЛИМ
"ИБТИДОЙ" ЛИГИЧА
ҚОЛМОҚДА"

Битириш ва кириш имтиҳонлари бошланган бир пайтда тахририятга таълим вазири Владимир Филиппов ташриф буюрди

дан йўл қўйиб берилган рекет тизими, ота-оналардан пул талаб қилишдек таъмағирлик кўзда тутилади. Бир гал университетга келганда шундай эълонга кўзим тушди: "Ўқишга киришни кафолатлаймиш". Эълондаги телефон номерига кўнгирак қилдим, менга: "Ҳа, кафолатлаймиш, келинг, ўқишга кирадиган кишининг фотосуратини олиб келинг", дейишди. Хўш, улар нима қилишган? Олимпиада голиблари бўлган талабалардан гуруҳ тузишган. Фотосуратдагига ўхшаш одамни танлашади ва у абитуриент ўрнига имтиҳон топширишга боради. Табиийки, имтиҳонни "беш"га топширади. Боз устига пул ишлайди.

— Ҳукумат сув тошқинларидан жабр кўрган худудлардан келган болалар учун олий ўқув юртига киришда имтиёзлар ваъда қилган эди. Кўплар уйимни сув босди, жабр кўрдим, деган сохта маълумотнома билан келишидан чўчимасизми?

тилида гаплашадиган аҳоли яшайди. Биз уларнинг олдидаги бурчимизни бажаришимиз лозим. Россия уларга дарсликлардан ёрдам берапти. Дарвоқе, бу олий ўқув юрларидаги бепул ўринлардан кўра қимматроқ туради.

Бундан ташқари, биз ўринларни нафақат яқиндаги, балки узоқдаги чет элликлар учун ҳам ажратамиз. Бунда жуғрофий-сиёсий манфаатлардан келиб чиқилади. Хитой Давлат кенгашининг бош вазири Россия олий ўқув юртида таълим олгани билан биз фахрланамиз. Халқлар дўстлиги университетининг бир неча собиқ талабалари — ўз мамлакатларининг бош вазирлари, юздан ошмасида, ўнлаб собиқ талабаларимиз эса вазирлик лавозимларида. Одатдагидай, ўша мамлакатлар сиёсати тепасида шундай одамлар тургани учун, Россия билан бу давлатлар яхши муносабатда.

— Кейинги пайтда институтларни битирган мутахассисларни тақсимлаш

этамиз. Агар сиз танловда бепул ўқийдиган ўринга ўта олмасангиз, сизда тўлаб ўқиш учун пул бўлмаса, олий ўқув юрти билан шартнома тузишингиз мумкин. Дейлик, сиз кираётган олий ўқув юртида ўқитиш бир йилда 1000 доллар. Беш йилдан кейин сиз бизга беш минг доллар қайтарасиз ёки мактабга ўқитувчи, кишлоққа врач, агроном бўлиб ишга борасиз, шунда биз берилган кредитдан тўлиқ воз кечамиз. Сиз тўлиқ бепул олий маълумот оласиз, биз эса керакли жойни мутахассис билан таъминлаймиш. Албатта, бу барча соҳаларга доир бўлмайди.

— Мамлакатимизнинг 12 йиллик ўрта таълимга ўтиши қачонга мўлжалланаётир?

— Аниқ қилиб айтишим мумкин, яқин 5-7 йил ичида бу рўй бермайди. Чунки ҳали янги мактаб дастури тайёр эмас. Бироқ янги таълим мазмунини қайта ишлаш бўйича тахрибалар тўхтамайди.

ЭНГ УЗУН ТУННЕЛ БАҲОСИ

1954 йил 27 октябрь куни "Доуа Меги кемаси" "Хонда ва Хоккаидо ороллари орасидаги Сугари йўлида кучли куз тайфунига рўбарў келди. 1172 кишининг ўлимига сабабли бўлган бу фалокат дунёдаги бешинчи буюк фожеа сифатида тарих саҳифасидан жой олди. Ва, Япония ҳукумати кўп ўйлантирган бу фожеа дунёдаги энг узун темирйўл туннелининг барпо этилишига сабаб бўлди. Бу тунел 53 км. узунликда бўлиб (Европанин энг узун учта темирйўл туннели узунлиги баробарида), уни барпо

этиш учун замонавий техникалар, географик ва топографик тадқиқотлардан кенг фойдаланилди. Япония ҳукумати фақатгина 1971 йилга келиб, унинг қурилишига рухсат берди. Уч минг кишилик муҳандис ишчилар бор куч-ғайратини сарфлаб туннел барпо этишга бел боғландилар. Аммо қурилиш мобайнида 33 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Бошланиши қирғоқдан 14 км узоқликда бўлган бу "Seiko" туннелининг 23,3 километри денгиз тагида ва 30 ки-

лометри қуруқлик остидан ўтган. Унинг денгиз тагидаги қисмининг қурилиши жуда ҳам оғир кечди. Тўрт маротаба кўчки содир бўлди. Айниқса, 1976 йил 26 май кунги кўчки натижасида туннелнинг 3 минг метрлик бўлими мингларча м³ балчиқ ва қумларга тўлди. Икки ой давом этган бетиним ҳаракатлар эвазига барча балчиқ ва қумлар тозаланиб, мустаҳкам дренаж системаларини ўрнатиш каби амалиётлар қўлланилди. Муҳандислар янада ишонч-

лироқ ҳаракат қила бошладилар.

11 метр баландликда ва 78 метр кенгликдаги бош туннелнинг деворларига, 70-90 см қалинликда, 1,65 миллион м³ бетон ёпиштирилиб тикланди. Туннел қурилишига ишлатилган 16 миллион тонна тош, тупроқ, қоя ва бошқалар териб чиқилганда, ХЕОПС пирамидаси баландлигида тоғ ҳосил бўларди.

Ниҳоят, 1985 йил ишга тушган денгиз ости туннели йўловчиларни ҳозирги кунда ҳам беҳавотир ташинишда давом этмоқда.

Дилфуза ҲАКИМЖОНОВА

Душанба, 29

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 «Ўзбектеlevision» намойи-
ши: «Хаттотлик санъати».
Премьера.
9.05 «Камалак».
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Шавкатли рицарь Айвенго
ҳақида қисса». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон
телерадиокомпанияси эстрада
симфоник оркестрининг
концерти.
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
12.05 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион
ўйин.
13.05 «Бир қулишайлик». А.
Ахбаров.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Обод уйда пок одамлар
яшайди».
14.30, 16.30 ТВ клип.
14.40 Кундузги сеанс: «Оқ
бўрилар». Бадий фильм.
16.15 «Сибсат оламида».
16.40 «Покахонтас». Мультсериал
премьераси.
17.35 «Бу ажиб фасл».
Телевизия манхана.
18.10 «Кўйла, ёшлигим».
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ
артистлари.
21.35 2002 йил - Қарияларни
қадрлаш йили. «Париси бор
уй».
21.55 «Спорт, спорт, спорт».
22.10 «Йул бошида».
22.30 «Филипп Марлоу».
Телесериал.
23.20 «Ахборот - дайжест».
«Ёшлар» телеканали
9.00 «Давр» Тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси:
болалар учун қўшқилар.
10.10 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Мусиқий лаҳзалар.
10.55 «Давр» ҳафта ичида.
11.25 Болалар экрани. «Қиммат
бола».
12.35 «Давр»-news.
12.55 «Жаннат». Бадий фильм.
1-қисм.
14.10 «Мултомоща».
14.25 «Диёнатга-хиёнат».
Муқимий номидаги Ўзбек
Давлат мусиқий театрининг
спектакли. 1-қисм.
15.25 Автосалтанат.
15.40 «Диёнатга-хиёнат».
Муқимий номидаги Ўзбек
Давлат мусиқий театрининг
спектакли. 2-қисм.
16.25 «Қусто командасининг сув
ости саргузаштлари».
17.20 «Янги авлод» почтаси.
17.40 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
17.55 Сиз кунни биласизми?
18.15 Спорт ҳафтанома.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кўна оҳанглари.
19.50 Мутолаа.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Мухаббат қўшқилари.
20.55 «Эсмeральда».
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қахваси».
Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Интерфутбол. Танарфус
пайтида.
23.50 Давр.
«Тошкент» телеканали
17.20 «Официна баридан чиққан
фирибгарлар». 41-қисм.
17.50, 19.10, 21.55 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
«Морси билан етти кун» 1-2
сериялар. Учувчи Пумс
ҳақида».
18.30, 20.00, 21.10, 22.15
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги
йўлида».
19.30 «Камалак».
19.45 «Имом Ал-Мотуридий».
Телефильм.
20.30 ТВда сериал: «Афсунгар».
21.30 «ТВ плюс».
22.40 Кинонигоҳ. «Етмиш икки
соат».
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хелперн тарихи».
17.00 «Евроныйс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Ким миллионер бўлишни
истайди?» Телеўйин.
18.15 «Қурувга қарши дармон».
Бадий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
21.40 «Ҳазил кетидан ҳазил».
УзТВ-IV
22.10 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.30 «Уйқудаги малика». Фильм-
балет.
23.30 А. Пугачева иштирокидаги
концерт дастури.
1.20 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 30

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намойи-
ши: «Қадр топан отахон».
9.20 «Соғлом она - соғлом
бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Йул бошида».
10.25 «Осмондан тушган мерос».
Бадий фильм.
11.45 «Спорт, спорт, спорт».
12.05 «Рокии ва унинг дўстлари».
Мультсериал.
12.50 «Париси бор уй».
13.15 «Ой ёнида бир юлдуз».
Фольклор ансамбли кирик
танловининг якуни.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг
кўзи».
15.10 «Дунёқараш».
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
15.30 1. «Эртақлар - яхшиликка
етақлар». 2. «Кўшигим жон
қўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат
қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орузи».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним
маним».
21.25 «Парламент вақти».
21.45 «Ўзбекистон» каналда
илк маротаба: «Ошин».
Телесериал премьераси.
22.25 Ўзбекистон Республикаси
мустикаллигининг 11
йиллигига «Тарих кўзгуси».
6-қисм.
22.50 «Ахборот - дайжест».
«Ёшлар» телеканали
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Ёшлар овози.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмeральда».
11.55 Болалар экрани
«Ишбилармон кишилар».
12.15 Ўзбекистон Республикаси
Мустикаллигининг 11 йилли-
гига «Озод юрт фарзандлари».
12.35 «Жаннат». Бадий фильм.
2-қисм.
14.00 Мезон.
14.20 Интерфутбол.
16.20 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «У
ким? Бу нима?»
17.15 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.45 «Оби ҳаёт». Экологик
тележурнал.
18.00 Автопатруль.
18.20 Ватан манзаралари.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Давр» интервью.
20.05 Сифат белгиси.
20.15 Дийдор.
20.35 Сегиз тароналари.
20.55 «Эсмeральда».
Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қахваси».
Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Ноксат.
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси».
Сериал.
«Тошкент» телеканали
17.20 ТВда сериал «Официна
баридан чиққан фирибгарлар».
42-қисм.
17.40, 19.05, 21.30 «Экспресс»
телегазетаси.
18.00 «Болажонлар экрани».
«Кўлқон». «Қандай қилиб тулки
бурини сўроқлади?»
18.30, 20.00, 21.15, 22.45
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Авто-news».
19.25 «Нима учун?»
19.45 «Жозеба».
20.30 ТВда сериал: «Афсунгар»
(яқунловчи)
21.50 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Умрбод
сеникиман».
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Одри Хелперн тарихи».
17.00 «Евроныйс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар».
18.15 «Урилар». Кинокомедия.
20.00 «Время».
20.35 «Скарлетт». Сериал.
УзТВ-IV
21.40 «Бир стол атрофида».
21.50 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)
22.00 «Замонавий Швейцария».
22.15 «Мусиқий калейдоскоп».
23.15 Кинематограф. «Валинь-
мат». Бадий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 31

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намойи-
ши: «Эхтиросларга йўрилган
ўйин».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Беғоналарнинг кириши
мумкин эмас, мумкин». Бадий
фильм.
11.40 «Инсон ва қонун».
Мультсериал.
12.05 «Рокии ва унинг дўстлари».
Мультсериал.
12.50 «Баркамол авлод орузи».
13.10 «Ўзбекистон - Ватаним
маним».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 «Мултоз наволар».
15.00 «Изаб». Андижон вилояти
драма театрининг спектакли.
16.00 «Ягона оилада».
16.40 «Меҳр қолур».
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
17.00 1. «Кичкинтоймиз-пижинг-
тоймиз». 2. «Цирк, цирк, цирк».
18.10 «Ривож».
18.20 «Алпомиш авлодлари».
Спорт дастури.
18.40 «Аёл - дунёни тебратар».
19.00 «Оби-ҳаёт». Телефильм
премьераси.
19.10 «Кўшигимиз Сизга
армуғон».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси
мустикаллигининг 11
йиллигига.
«Тараққиёт йўли».
21.35 «Ўзбекистон» каналда
илк маротаба: «Ошин».
Телесериал премьераси.
22.05 «Келин-куёв». Телешоу.
23.25 «Спорт, спорт, спорт».
23.40 «Ахборот - дайжест».
«Ёшлар» телеканали
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «У
ким? Бу нима?»
9.35 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр» интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмeральда».
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 Болалар экрани «Кўк қуш».
12.35 Оби ҳаёт.
12.50 «Қусто командасининг сув
ости саргузаштлари».
13.40 Сиз қонунни биласизми?
14.00 Ватан манзаралари.
14.20 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Теннис.
15.00 Ёшлар овози.
15.20 Мутолаа.
15.40 Автопатруль.
16.00 Кўна оҳанглари.
16.10 Дийдор.
16.35 «Янги авлод» студияси:
«Ассалом, оромгоҳ»
16.55 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
17.10 «Учинчи сайёра» маърифий
дастури.
18.00 Болажон.
18.15 Чампион сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ёшлик навалари.
20.50 «Эсмeральда».
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қахваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Интерфутбол.
«Тошкент» телеканали
17.20 «Официна баридан чиққан
фирибгарлар». 43-қисм.
17.50, 19.15, 22.00 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
«Кўлқон». «Қандай қилиб тулки
бурини сўроқлади?»
18.30, 20.00, 21.15, 22.45
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.35 «Спорт ва болалар».
19.50 «Эхтирос ила».
20.30 ТВда сериал: «Оқ айиқ
ҳақида ҳақиқат».
21.35 «Кўнгли тароналари».
22.20 «Мушоҳада».
23.10 Кинонигоҳ. «Етмиш икки
соат».
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 CF тақдим этади «Жан
Мансон» концерти.
17.00 «Евроныйс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.15 «Мададор рух». Бадий
фильм.
20.00 «Время».
20.35 Л. Вайкуле, В. Леонтьев,
Л. Агугин ва А. Варум.
Юрмаладаги мусика фести-
валининг очилиш маросими.
УзТВ-IV
22.35 «Соккер клуб».
22.55 Кинематограф. «Ой нури»
агентлиги. Бадий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 1

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
9.00 1. «Кичкинтоймиз-пижинг-
тоймиз». 2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Шайтон малайлари».
Бадий фильм.
11.30 «Оламни асранг»!
12.05 «Рокии ва унинг дўстлари».
Мультсериал.
12.50 «Аёл - дунёни тебратар».
13.10 Мусиқий драмалардан
ахрия ва дуэтлар.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.25 «Фанимиз истиқболлари».
14.45 «Асия».
15.05 Кундузги сеанс:
«Учувчининг парвози».
Бадий фильм.
16.30 Юнон-рум кураши бўйича
Ўзбекистон чемпионати.
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни
хохлайман». 2. «Сеҳрли ҳарф-
лар ороласи».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср
ёшлари».
18.30 «Яши ният». Телелотерея.
19.05 «Соғлом она - соғлом
бола».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот: Банк ва
миқоз муносабатлари.
21.45 Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артистлар.
22.10 Ўзбекистон Республикаси
мустикаллигининг 11 йиллиги-
га «Тарих кўзгуси». 7-қисм.
22.35 «Филипп Марлоу».
Телесериал.
23.25 «Ахборот-дайжест».
«Ёшлар» телеканали
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси:
«Ассалом, оромгоҳ»
9.35 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Болажон.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмeральда».
10.45 Спорт-кўзгуси
11.15 Чампион сирлари
11.35 Болалар экрани «Олтин
занжир».
13.00 Мультфильм.
13.20 Ракурс.
13.40 Интерфутбол.
15.55 «Кайта ҳаёт бағишлаб».
Хулосатий фильм.
16.05 Сифат белгиси.
16.15 Ёшлар овози.
16.35 «Ҳақиқат чегараси».
17.15 Уйна, болажон, ўйна.
17.30 «Янги авлод» студияси:
«Оқ кабулар»
17.50 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
18.05 Ўзбекистон Республикаси
Мустикаллигининг 11 йилли-
гига «Озод юрт фарзандлари».
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» интервью.
19.50 Ўзбек мултоз мусика-
сидан.
19.55 Одамлар орасида.
20.15 Бегийим.
20.35 «Ер ишқи». Мусиқий
дастур.
20.55 «Эсмeральда».
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қахваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Интерфутбол.
«Тошкент» телеканали
17.20 «Официна баридан чиққан
фирибгарлар». 44-қисм.
17.50, 19.15, 21.50 «Экспресс»
телегазетаси.
18.10 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 «Хотира». О. Қосимов.
20.30 «Йўлбарс ҳақида ҳақиқат».
21.35 «Этилқид».
22.35 Кинонигоҳ. «Етмиш икки
соат».
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 CF тақдим этади «Жан
Мансон» концерти.
17.00 «Евроныйс» янгиликлари.
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.15 «Мададор рух». Бадий
фильм.
20.00 «Время».
20.35 Л. Вайкуле, В. Леонтьев,
Л. Агугин ва А. Варум.
Юрмаладаги мусика фести-
валининг очилиш маросими.
УзТВ-IV
22.35 «Соккер клуб».
22.55 Кинематограф. «Ой нури»
агентлиги. Бадий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)

Жума, 2

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни
хохлайман». 2. «Сеҳрли ҳарф-
лар ороласи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар.
10.05 «Ез ҳикоялари».
Бадий фильм.
11.25 «Рухият манзаралари».
11.50, 16.50 ТВ клип.
12.05 Болалар учун.
«Миттвэйлар оиласи».
12.30 «Ўзбекистон: XXI аср
ёшлари».
12.50 Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артистлар.
13.15 «Олам». Телевизия манхана.
14.10 «Истиқлол нашидаси».
14.20 «Унутмас мени боғим».
Бадий-публицистик кўрсатув.
14.40 Кундузги сеанс: «Ноб
тур». Бадий фильм.
16.00 «Моҳият».
16.20 Юнон-рум кураши бўйича
Ўзбекистон чемпионати.
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
17.00 1. «Шоирлар болаларга».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемулоқот.
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 Эстрада тароналари.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Истиқлол нашидаси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сибсат оламида».
21.30 «Ўзбекистон» каналда
илк маротаба: «Ошин».
Телесериал премьераси.
22.00 «Бу ажиб фасл».
Телевизия манхана.
22.20 «Олтин бешик».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот - дайжест».
«Ёшлар» телеканали
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ
кабулар»
9.35 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр» интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмeральда».
10.50 Уйна, болажон, ўйна.
11.05 Болалар экрани «Пилли-
рим» қемасининг капитани.
12.35 Ёшлар овози.
12.55 «Жюли Леско». 21-қисм.
13.45 Бегийим.
14.05 Интерфутбол.
15.45 «Чақирилмаган меҳмон-
лар». Бадий фильм.
17.10 «Янги авлод» студияси:
«Келинг, танишайлик».
17.30 «Кундуз амакининг
ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Автосалтанат.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Хулқ ва бурч.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўна оҳанглари.
19.45 «Ёшлар» телеканалда
янги кўрсатув: «Давр» -
репортаж.
19.55 Азизим.
20.30 Ёшлик қўшиқлари.
20.55 «Эсмeральда».
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Мухаббат қахваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Ринг қироллари.
00.05 Давр.
00.20 «Ҳақиқат чегараси».
Сериал.
«Тошкент» телеканали
17.20 «Официна баридан чиққан
фирибгарлар». 45-қисм.
17.45, 19.10, 21.35 «Экспресс»
телегазетаси.
18.05 «Болажонлар экрани».
«Чумолига ҳам озор
бермайди», «Дог»
18.30, 20.00, 21.15, 21.55
«Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Хайри оқшом».
19.30 «Эл хизматида».
19.45 «Жозеба».
20.30 ТВда сериал: «Кит ҳақида
ҳақиқат».
22.20 Кинонигоҳ. «Етмиш икки
соат».
23.00 Тунги сеанс. «Тунука-
созлар».
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 CF тақдим этади:
«Мишель Сарду» концерти.
17.00 «Евроныйс».
РЖТ
17.15 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.15 «Инсон ва қонун».
19.00 «Мўжизалар майдони».
20.00 «Время».
УзТВ-IV
20.35 «Дурдаран»
21.00 «Денгиз афсонаси».
21.50 Кинонинг олтин асри:
«Каролина Лемб хоним».
Бадий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 3

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
9.00 1. «Шоирлар болаларга».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемулоқот.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Ақулалар ҳақида ҳақиқат».
Телефильм.
11.10, 13.50 ТВ анонс.
11.15 «Спорт, спорт, спорт».
11.30 «Олтин бешик».
11.55 «Дунё эшиклари очилди
бизга».
12.25 ТВ-1 кинотеатри:
«Ноттинг Хилл». 1-қисм.
13.25 «Ўзбекистон
бастакорлари».
13.55 «Ноттинг Хилл». Бадий
фильм. 2-қисм.
14.45 «Маърифат».
Адабий жараён:
15.05 1. «Езувчи ва замон». 2.
«Шеър ва шуур». 3. «Дунё
адабиёти»
15.50 Болалар учун. «Фламин-
го»
16.20 «Ягона оилада»
16.50 Футбол бўйича Ўзбекистон
чемпионати. «Насаф»
«Сурхон»
17.40 «Рангин дунё».
Эзги таътил кунларида: «Болалар
сайёраси».
18.00 «Мўжизалар майдон-
часи». Телешоу.
19.00 «Ватан мади»
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок одамлар
яшайди»
21.25 «Шанба оқшомида»
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
21.50 «Ўзбекистон» каналда
илк маротаба: «Узлгини
йўқотиш». 1-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25 Футбол бўйича Ўзбекистон
чемпионати. «Пахтакор» -
«Дўстлик»
«Ёшлар» телеканали
8.00 «Давр» Тонгги.
9.00 «Янги авлод» студияси:
«Келинг, танишайлик».
9.20 Мультфильм.
9.30 Табобат оламида.
9.50 «Давр»-репортаж.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмeральда».
10.45 Ёшлар овози.
11.05 Ринг қироллари.
12.05 Азизим.
12.40 «Жюли Леско». 22-қисм.
13.30 Қўтилмаган меҳмон.
13.50 «Кўринмас олам». Хужатли
фильм.
15.00 «Ёшлар» телеканалда
спорт: Теннис.
15.40 «Экспедиция».
16.30 Синфдош.
16.45 «Рамаяна». Телесериал.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси:
«Катта танарфус»
17.45 Бола тилидан.
18.15 Футбол плюс.
18.35 Каталог.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.45 Келинг, қулишайлик.
19.55 Оҳанрабо.
20.40 «Жюли Леско». 23-қисм.
21.35 «Нол» гуруҳи куйлайди.
22.00 Давр.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Эх, менинг гўр ёшлигим».
Бадий фильм.
«Тошкент» телеканали
17.20 «Мултархалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25, 19.50, 21.20 «Экспресс»
телегазетаси.
18.45 «Мисли гавҳар».
19.00 «Пойтахт». (рус)
19.20 «Нима учун»
19.40 «ТВда мусика».
20.10 «Спорт-клуб»
20.30 «Табриклаймиз-қутлай-
миз»
21.00 «Пойтахт». (рус)
21.20 «Менинг маҳаллам».
Телетанлов.
22.40 Кинонигоҳ. «Амазония».
«Халқаро» телеканал
9.05 «ТВ-4да мусика».
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда
ёзилмаган қўйдири».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кайфият». Информацион-
дан олиш дастури.
11.

ГЕРМАНИЯДА ЗАФАР ҚУЧГАН ЙИГИТЧА

Айни пайтда мамлакатимизда Шарқ якка кураши тобора оммалашиб бораётганлиги ёшларнинг спортга бўлган қизиқишлари кучли эканлигидан ғололат беради.



Яқинда Германиянинг Дрезден шаҳрида ўсмирлар ўртасида қаратэ бўйича жаҳон кубоги бўлиб ўтди. 41 давлатдан келган 1200 нафар спортчилар иштирокидаги ушбу халқаро мусобақада Ўзбекистон вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Хусусан, ҳамюртимиш Жавлон Маҳмудов ўз вази тоифасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган бўлса, Нодир Хўжаев, Улуғбек Отажонов, Шерзог Жалиловларга бронза медаллари насиб этди. Эндиги навбат Жану-

бий Кореяда бўладиган Осиё чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этишдир.

бий Кореяда бўладиган Осиё чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этишдир.

64 КАТАКДАГИ ЖАНГДА ҚАРИЯЛАР

“Қарияларни қарлаш йили” муносабати билан ўтказилган фахрийлар ўртасидаги мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди. Рақибларига нисбатан энг кўп очко жамғарган Константин Малиничев Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган бўлса, Григорий Буганов ва Искандар Бекировларга иккинчи ҳамда учинчи ўринлар насиб этди.

ТҮРТ ҚАРРА ҒОЛИБ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида эликдан ортиқ давлатдан келган спортчилар ўртасида муайтай бўйича ўтказилаётган халқаро мусобақада 9 нафар ҳамюртларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Фикримиз далили ўлароқ, уч қарра жаҳон чемпиони Эркин Қуттибоев тўртинчи бор чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Шунингдек, Шерзог Шариповга кумуш, Жасур Нурмухамедов ва Жаҳонгир Фуломовларга эса бронза медаллари насиб этди.

ҚЎҚОНГА КИМЛАР БОРАДИ?

Бугун миллионлар ўйини бўлмиш футболни ривожлантиришга мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган “Футболимиз келажаги” турнири доирасида вилоят, шаҳар босқичи ғолиблари аниқланмоқда. Термиз шаҳридаги “Алломиш” спорт мажмуида 15—16 ёшли болалар ўртасида вилоят биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди. Денов ва Охунбобоев номидиган маҳаллалар жамоалари ўртасида кечган финал ўйинида омад генералларга кулиб боқди ва улар Қўқонга бўладиган республика босқичида Сурхондарё шарафини ҳимоя қилишадиган бўлди.

Шунингдек, пойтахтимиздаги “Боғи Эрам” истироҳат боғида мазкур турнир бўйича шаҳар биринчилиги учун ярим финал баҳслари ўтказилди. Ва Мирзо Улуғбек—Сирғали туманлари вакиллари учрашуви — 4:3, Шайхонтоҳур—Ҳамза—3:0 натижа билан якунланди. Энди биринчилик учун Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманлари жамоалари, учинчи ўрин учун эса Сирғали ва Ҳамза туманлари вакиллари кураш олиб борадилар.



ТАИЛАНДДАН ҒАЛАБА

Оғир атлетика бўйича Таиландда ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси зафар қучди. Бонси, 12 давлатдан келган 112 спортчи ичида ҳамюртимиш Нурил-


БИЛАН

ло Тожиев 1 та олтин ва 3 та кумуш медаль соҳиби бўлган бўлса, Руслан Алпановга 3 та бронза медали насиб этди. Шунингдек, Фурқат Саидов олтин,

Вячеслав Ким эса кумуш медални қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида ҳам ҳамюртларимиз биринчи, мезбонлар иккинчи, хитойликлар учинчи ўринларни эгаллашди.

ҒАЗОДА ИСРОИЛ ҚЎШИНЛАРИ


Ҳафта аввалида Ғазо шаҳрини ҳаводан бомбардимон қилган Исроил кеча мазкур шаҳарга ўз танкларини киритди, дея хабар беради “Ассошиэйтед-Пресс” агентлиги. Улар кечанинг ўзида бир Фаластин полицияси постини ва металлни қайта ишловчи цехни вайрон қилганлар. Қарши жавоб тариқасида эса фаластинликлар қуролли ҳужум уюштирганлар.



Аммо Исроил томони ушбу ҳарбий ҳаракатни нима мақсадда амалга оширганликларига изоҳ бермаган.

ТОНИ БЛЭР: БОШҚА ЧОРАЛАРНИ КЎРИШ КЕРАК

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Ироқ масаласида фикр



билдирар экан, унга қарши ҳужум бошлаш мумкинлигини, лекин ундан аввал Ироқ ҳудудига БМТ инспекторларини киритиш борасида Саддам Ҳусайн маъмурияти билан яна музокара ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтган. “Биз ҳозирча операция борасида аниқ бир тўхтама келганимиз йўқ. Мазкур масала ечими борасида бошқа йўллари ўйлаб кўришимиз керак”, деди у. Эслатиб ўтамиз, Британия Бағдодга уруш бошламоқчи бўлган Қўшма Штатларнинг асосий иттифоқдоши ҳисобланади.

КАВКАЗДА КОНТРТЕРРОР ОПЕРАЦИЯСИ

“Новости” ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Шимолий Кавказда контртеррор операция олиб бораётган Россия федерал кучлари Чеченистоннинг Ножай-Юртов туманида махсус опера-

цияни муваффақиятли ўтказишди. Ва, чечен дала кўмондонларидан бири бўлмиш Абу Ҳабиб бошчилигидаги жангарилар гуруҳини йўқ қилишди. Шунингдек, 24 июнь кунини минтақа бўйича ўтказилган 12 та операция вақтида 224 жан-



гари йўқ қилиниб, 36 нафари ҳибсга олинган.

МУССАУИ АЙБЛОВНИ РАД ЭТДИ

11 сентябрь АҚШ фожеасида айбланаётган ягона шахс Закариас Муссауи навбатдаги суд мажлисида ўзига қўйилаётган айбловни рад этди. Ундан аввалроқ эса у ўз айбларини тан олишга қарор қилган эди.

“Айбни тан олиш ёки рад этиш асосий масала. Лекин мен ўлим жазоси бериладиган бу айбловни

муслмон сифатида тан ололмаймаман”, деди Муссауи. Шунингдек, у адвокатларни рад этиб, ўзини ўзи ҳимоя этишини айтган.



ТАБИЙ ОФАТ ҚУРБОНЛАРИ

Ҳиндистонда юз берган сув тошқини туфайли 5 млн.дан ортиқроқ киши жабр кўрган ва камида 30 киши ҳалок бўлган. Бунга Ассам ва Бихар штатларидаги дарёларнинг ўзанидан чиқиб, катта ҳудудни эгаллагани сабаб бўлди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг қўшниси бўлмиш Непалда ҳам шундай табиий офатлар кузатил-



ди. Улардаги қурбонлар сони эса 50 кишидан ошган.

“ИНТЕРНЕТ” хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОХИНГ ЁНЯЛТИ КЎЗУ КЎКСИМДА

СУЯНЧИКЛАРИМ

Юрагимни ёритган нур не,
Қудратимга куч қўшган қур не?
Ён-веримга қараганимда.
Ажойиб ҳис яйрар таннимда.
Ҳеч қачон ёғ босмай кўзимни,
Доим энгил сездим ўзимни.
Чунки бордир суянчиқларим,
Вужудимда ёнган чўғларим:
Якка — ёлғиз Оллоҳим борим,
Унга етмоқ ишқидир зорим,
Пайгамбарим дину имоним.
Падаримда жўш урган қоним,
Волидаи жаҳоним-жоним.
Устоз ўзни таниган оним!
Шунинг учун Йўлдошдир отим,
Уларга буй эгмоқ суннатим!

ТОШКЕНТ
ЧИРОЙИ

Тошкентим, бағрингда не бўлди содир —
Бутун дунё бўйлаб топясан қадр!
Мустақиллик, тенглик, тинчлик, тўфайли,
Бутунлай ўзгарди замона зайли!
Ою юлдузларни кўксингга жойлаб,
Сени юракларда бир кўёш айлаб —
Жондай суйишади, жондай асрашар,
Кеча-кундуз давом эътипти хашар,
Истиқлолнинг ўша гўзал тонгидан —
Очилди чиройинг, Тошкент, янгидан!
Дунёга бошқатдан келгандай бўлиб,
Осмонга буй чўзиб, хуснга тўлиб —
Бўйлашганинг бугун Лондону, Париж,
Дўстлик қўлин чўзиб, келяпти хорих!
Ҳар кўчангнинг ўзи туюлар ҳаждай,
Фақатгина сенга қилармиз сажда!
Номингнинг ўзида жизиллар кўнгил,
Сенсиз хувуллашдан безиллар кўнгил!
Қодирий бобонинг ошиқ дилсан,
Сен устоз Ойбекнинг гўзал тилисан.
Сен Фафур Фуломсан, Шукур Бурҳонсан,
Ўзингга бексану, ўзингга хонсан!
Севгидан яралган боғу бўстонсан,
Минг бир келаларга синамас достонсан!
Тошкентим, бағрингда не бўлди содир —
Бутун дунё бўйлаб топясан қадр!

ТҶА ИСИ

Қирмизи яногинг худди ҳаёдай,
Юзингда тортинчоқ ифбат шуъласи.
Нигоҳинг ёняпти кўзу кўксимда,
Суянганим фақат дил ашуласи!
Гул иси уфурар гунча лабингдан,
Ҳаяжондан юзим мисоли лола.

Дара шаршарасин эслатиб турар
Елкангдан белинга тушган шалола.
Қаёққа учяпти қалдирғоч бўлиб,
Ақлимни ўғирлаб қўйган ҳилолинг.
Бориму йўғимни тортиб олгандай
Икки қошинг аро гуллаган холинг.
Куз келиб, кўм-кўк барг узилса, уни —
Ўйнатиб, не куйга солар созанда.
Кўнглим ҳам пойингда ширин

Ел учирган ўша барги хазондай.
Дунё ўзин, сенла кўз-кўзляпти,
Висолингга етар, балки, етмасман.
Сенинг иқболингни кўрмагунча, то —
Бу ёруғ дунёдан, Йўлдош, кетмасман!

Ko'ngil bitiklari

СЕҶИ

ШАРАҚЛАЙМАН

(Ўзбекистон Фанлар Академиясида атоқли
математик олим, Ўзбекистон Фанлар
Академиясининг ҳақиқий аъзоси
ШОКИРАЛИ ФАРМОНОВ таваллуд
қунининг 60 йиллиги нишонланди)

Ҳозир фан оламин гўшасидаман,
Бу илму ҳикматдан яралган чаман.
Аммо сўз айтмоққа гўё ожиздай,
Ҳаяжон бағрида турибман ҳамон!
“Олим бўлиш осон. Одам бўлиш

кийин”,

Халқнинг бу нақлига келтирмайман шак.
Лекин бу мажозни англамаслар бор,
Кўшилиб кетмасин дон билан хашак!
“Очил дастурхон” ҳам битта эртақдир.
Ким ўз орзусини ушатган осон?
Олимлик қўл етмас юлдуздай бўлиб,
Қанча одамларни этмаган сарсон?!
Дониш игна билан тоғни ағдарар,
Шунинг-чун одам кўп, аммо олим кам!
Юксалдинг иккисин уйғунлаштириб,
Сени шарафлайман, Шокиржон укам!

ҲОЗИРТИ
ВАҚТИМ

Уйку деганимиз қувилган уйимдан,
Бошию охири кўринмас уйимдан —
Зерикиб кетаман баъзида ўлғудай!

Йўлдош СУЛАЙМОН

Ҳаётим эврилиб бўлиб қолсам гўдак!
Янгидан бошланса умримнинг йўли,
Йўқ-йўқ деб хаёлни силтаб
ташлар кўлим:
Шу кунга етиб келдим, ахир
бу ҳам бахтим,
Жонимдан ортиқсан, мўйсафид вақтим!

ПАРИ

Ўзи оддий қишлоқ қизи,
Кўёшдайми қошу кўзи?!
Ёки тонгми унинг юзи —
Нега талаш босган изи?!

Нигоҳлари ўтдайгина,
Пари, дейди, уни энам.
Қараб қўймас қиттайгина,
Тўкиламан тутдайгина!


Ибоси бор, ҳаёси бор.
Киприқларин сояси бор.
Ёнига ҳеч боролмайман,
Пойлайдиган аяси бор!

Унга ошиқ шоҳу гадо,
Поёндоздир ишқий садо.
Йўлдош кўзни катта оч, ё —
Бу оламинг бўлар адо!

ОШИҚЛИК ИҶЛИҲ
ИЗЛАБ...

Жалолиддин Румийни ўқиб...

Мен ҳам худди Шамс Табриздай
Ҳаяжонда ўзимни излай —
Учраб қолса қибла этай деб,
Юзим тутай, унга етай деб —
Ажиб ўйга бўлар эдим гарқ,
Англатади бун шундай шарҳ:
Бу ўзимдан ўзим туйганим,
Аммо-лекин ихлос қўйганим —
Ўз-ўзимга ўхшаши лозим,
Эшитилса ундан овозим...
Унинг феълу аъмолин ўйлаб,
Шаҳарлару қишлоқлар бўйлаб,
Бормаган ҳеч жойим қолмади,
Излаб-бўзлаб топа олмадим.
Кезганларим кетди беҳуда,
Орзуимга етказ, ё худо!
Бир башорат бўлдим зохир,
Чорлар мени севгим сўқмоғи,
Яқинлашиб қоляпман чоғи...



ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Хурматли
Зоир
ЮСУПОВ!


Таваллуд
топган кунин-
гиз муносаба-
ти билан Сиз-
ни чин дилдан
муабракбод

этамиз! Сиз кўплаб шогирдлар
тарбиялаб, Нурота халқ таъли-
ми равнақиға уз ҳиссангизни
қўшиб келмоқдасиз. Шогирдла-
рингиз Сиздек жонкуяр устоз
борлигидан фахрланади.

Сизга энг эзгу тилақлар ёр
бўлишини тилаб қоламиз.

Нуроталик дўст ва
шогирдларингиз

"ШАРШАРА" КРОССВОРДИ



асбоб. 11. Ҳасса. 12. Пулнинг қадрисизланиши. 13. Польша пойтахти. 14. Пайгамбарлардан бири. 15. Ҳаддан ташқари бўрттирилган ёлғон гап. 17. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, ... йиғилиб дарё бўлур. 19. Ҳафта кунларидан бири. 22. Африкадаги дарё. 23. Таъсир, из, белги. 24. Ўзига қаратмоқ, оғдирмоқ. 25. ... суяксиз бўлади. (мақолдан) 26. Франция жанубидаги шаҳарлардан бири. 27. Ўғил болалар исми. 29. Халқ номи. 30. Рухий азоб, дард-ҳасрат. 36. Ўтмишсиз келажак йўқ. 37. Ўқимишлилик даражаси, маълумот. 38. Ўртасига пўлат тиф ўрнатилган дастали асбоб. 40. Африкадаги давлатлардан бири. 41. Эшикни беркитадиган махсус мослама. 42. Хива хони. (1910-1918) 45. Ҳашаротларнинг йиртқич тури. 46. Суд қарорининг ҳулоса қисми. 53. Доира бўлиб ўтирган кишилар. 54. Муқаддас зот. 56. Чаққон. 57. Билим даргоҳи. 58. Ургочи от. 60. Кишига ўтказилган алам. 62. Мунтазам такрорланадиган ... тебранишлар. (физика) 63. Пахта толасидан тўқилган мато. 64. Шахсларга ёки нарсаларга қўйилган исм, от. 65. Бирор кишининг ўз қилмишларига иқдор бўлган ҳолда айтадиган сўзларидан бири. 67. Таъм. 68. Дилни ёндадиган, ҳароратли ҳис-туйғу. 70. Қиз болалар исми. 72. Эракларнинг миллий кийими. 73. 100 йиллик давр. 75. Товуқнинг боласи. 76. Маст қилувчи ичимлик. 77. Чет эл. 78. Ҳарорат. 80. Аста, секин. 82. Орқасида. 83. Ўзбек эстрада гуруҳларидан бири. 84. Қизил гулли дарахт. 85. Маблаг, даромад. 87. Фарзандли эрак. 89. Кўрсатиш олмоши. 90. Дуккақлилар оиласига мансуб донли ўсимлик.

Тузувчи: Дилором ОДИЛХЎЖАЕВА

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ
таълими вазири,
Ўзбекистон Олий ва
ўрта махсус таълим
вазири, Таълим ва фан
ҳодимлари касба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Кўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-629.
Тиражи 24217 г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Хулқар ТҶИМАНОВА,
Навбатчи:
Ғофур ЖАБИЕВ.

«Ма'рифат»-да материалларни кўчириб босиш
тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-56-42,
хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари
таълим-янгиликлари бўлими — 136-54-23,
умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими,
касба йўналтириш ва ўрта махсус таълим
янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таъ-
лим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғи-
бот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари
«Ma'rifat Madadkor» нашриётида
терилди. Pentium компьютерда
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
сахифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга тўшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00